

**Тахририят кенгаши:**

*Х.Б.Юнусов* – СамДВМЧБУ ректори,  
профессор (ранс)  
*Ж.А.Азимов* – ЎЗР ФА академиги (аъзо)  
*Б.Т.Норқобилов* – Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш кўмитаси  
ранси (аъзо)  
*А.И.Ятусевич* – РФА академиги (аъзо)  
*Е.Д.Джавадов* – РФА академиги (аъзо)  
*Ю.А.Юлдашбаев* – РФА академиги (аъзо)  
*Д.А.Девришов* – РФА мухбир аъзоси (аъзо)  
*С.В.Шабунин* – РФА академиги (аъзо)  
*К.В.Племяшов* – РФА мухбир аъзоси (аъзо)  
*С.В.Позябин* – профессор (аъзо)  
*Ш.А.Джабборов* – профессор (аъзо)

**Тахрир хайъати:**

*Ҳ.Салимов* – профессор  
*Қ.Норбоев* – профессор  
*А.Даминов* – профессор  
*Р.Б.Давлатов* – профессор  
*Б.Бакиров* – профессор  
*Б.М.Эшбуриев* – профессор  
*Н.Б.Дилмуродов* – профессор  
*Ф.Акрамова* – б.ф.д., профессор  
*Б.А.Элмуродов* – профессор  
*А.Г. Фафуров* – профессор  
*Н.Э.Юлдашев* – профессор  
*Х.Б.Ниёзов* – профессор  
*Ю.Салимов* – профессор  
*Б.Д.Нарзиев* – профессор  
*Р.Ф.Рўзиқулов* – профессор  
*Г.Мамадуллаев* – в.ф.д.  
*Д.Н.Федотов* – ВДВМА доценти  
*Х.К.Базаров* – доцент  
*Т.И.Тайлақов* – доцент  
*Б.А.Кулиев* – доцент  
*Ф.Б.Ибрагимов* – доцент  
*З.Ж.Шопулатова* – доцент  
*Н.Б.Рўзиқулов* – доцент  
*Д.Д.Алиев* – доцент  
*Ш.Х.Қурбонов* – доцент  
*Ж.Б.Юлчиев* – доцент  
*О.Э.Ачилов* – доцент

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

**Муҳаррир:**

Дилшод ЮЛДАШЕВ

**Дизайнер:**

Хусан САФАРАЛИЕВ

**Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:**Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш кўмитаси**Муассислар:**Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш кўмитаси,  
“AGROZOOVETSERVIS”  
масъулияти чекланган жамиятиЎзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 2018 йил  
2 февралда 0284-ракам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир, 22а.

Тахририят манзили: 100022, Тошкент шаҳри,

Қушбеги кўчаси, 22-уй

Тел.: 99 307-01-68,

Телеграмм учун 99 307-01-68.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

www.Vetmed.uz

Адади 3450. Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 04.03.2025.

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулида чоп

этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нарҳда.

© Veterinariya meditsinasi, #02 (207) 2025 “PRINT-  
MAKON” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Чилонзор тумани, 25-мавзе,

47-уй, 45-хонадон.

**Бугуннинг гапи**

**А.А.АЛИҚУЛОВ** – Долзарб 90 кун: ветврачлар  
эл хизматида ..... 3

**Орамиздаги одамлар**

Сирожиддин – “Бўлди, қаридим, чарчадим” деманг ..... 5

**Паразитар касалликлар**

**Н.Э. Йўлдошев, Д.А. Яхшиева, Л.Ш. Шарипова** –  
Тошкент вилоятида қўйларнинг гельминтлар билан  
зарарланганлик даражаси ..... 6

**S.I. Mavlanov Sh.R. Xolov, A.Sh. Ismoilov,**  
**S.S.Asqarxo‘jayev, N. Turabayev** – Toshkent viloyatining  
ayrim tumanlarida qo‘ylar ektoparazitlarining faunasi ..... 10

**Н.Е. Otaboyev, Z.A Aliboyev, A.S.Daminov** – Sirdaryo  
viloyatining ayrim tumanlarida qoramollar trematodozlarining  
epizootik holati ..... 12

**Н. Э. Йўлдошев, Ж.Н. Даминов** – Тошкент вилоятида  
отларда ошқозон-ичак гельминтлари тарқалишини ўрганиш  
бўйича ўтказилган хусусий тадқиқотлар ..... 16

**Ҳ.Х. Абдухолиқов, Н.Ф. Муҳитдинова, Н.Б. Каримова,**  
**А.А.Сафаров** – Тошкент вилоятида тарқалган ит ва  
мушуклар гельминтофаунаси ва асосий гельминтозлар  
кўзгатувчиларининг молекуляр-генетик таҳлили ..... 23

**Юқумли касалликлар**

**М.Қ. Бўтаев, Х.С. Салимов, И.Х. Салимов,**  
**Ш.А.Раҳматуллаев** – Отларнинг Африка ўлати касаллиги  
(эпизоотология, ташхис ва профилактика) ..... 26

**Р.Ф. Рўзиқулов** – Қорақўл қўйлари қон зардобдаги  
иммуноглобулинлар миқдорининг ёшга оид хусусиятлари  
ҳамда уларнинг колострал ва табиий иммунитет ҳосил  
бўлишидаги аҳамияти ..... 30

**Зоогигиена**

**Д.К. Юлдашев, А.А.Дадаходжаев, А.Н. Мавлонов** –  
Влияние применение новой кормовой добавки  
“СВ FEED” на показатели продуктивности и крови  
цыплят бройлеров ..... 33

**Editorial council**

**Kh.B.Yunusov**- Rector of Samarkand State University of Veterinary Medicine, Animal Husbandry and Biotechnology, professor(chairman)  
**J.A.Azimov** – UzAS academician (member)  
**B.T.Norkobilov** – Chairman of the Veterinary and Animal Husbandry Development Committee (member)  
**A.I. Yatusevich** – RAS academician (member)  
**E.D.Djavadov** – RAS academician (member)  
**Yu.A. Yuldashbaev** – RAS academician (member)  
**D.A.Devrishov** – RAS correspondent member (member)  
**S.V.Shabunin** – RAS academician (member)  
**K.V.Plemyashov** – RAS correspondent member(member)  
**S.V.Pozyabin** – professor (member)  
**Sh.A.Jabborov** – professor (member)

**Editorial board**

**H. Salimov** – professor  
**K. Norboev** – professor  
**A. Daminov** – professor  
**R.B. Davlatov** – professor  
**B. Bakirov** – professor  
**B. M. Eshburiev** – professor  
**N.B. Dilmurodov** – professor  
**F. Akramova** – doctor of biology, professor  
**B.A. Elmurodov** – professor  
**A.G. Gafurov** – professor  
**N.E. Yuldashiev** – professor  
**Kh.B. Niyazov** – professor  
**Yu. Salimov** – professor  
**B. D. Narziev** – professor  
**R. F. Ruzikulov** – professor  
**G. Mamadullaev** – v.f.d.  
**D.I. Fedotov** – associate professor of VSAVM  
**Kh.K. Bazarov** – associate professor  
**T.I.Taylaqov** – associate professor  
**B.A. Kuliev** – associate professor  
**F.B. Ibragimov** – associate professor  
**Z.J.Shopulatova** – associate professor  
**N.B.Ruzikulov** – associate professor  
**D.D.Aliev** – associate professor  
**Sh.Kh.Kurbanov** – associate professor  
**J.B.Yulchiev** – associate professor  
**O.E.Achilov** – associate professor

**Acting Chief Editor:**

Abdunabi ALIKULOV

**Editors:**

Dilshod YULDASHEV

**Designer:**

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

**Initiator and leader of the project:**

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

**Founders:**

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan, “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284**

**Address:** 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070.

Editorial address: 4, Kushbegi, 22. Tashkent, 100022

Tel.: 99 307-01-68,

☎ 99 307-01-68

**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru

www.Vetmed.uz

**circulation: 3450. Index: 1162**

Permitted for print: 04.03.2025. Format 60x84 1/8,  
 Printed by Offset printing 4,25 press works Order #  
 Free price.

© “Veterinariya meditsinasi”, #02 (207) 2025

Printed by “PRINT-MAKON”  
 Co., Ltd., Tashkent city.  
 47/45, Chilanzar 25 quarter .

**Today’s topic**

**A.Alikulov** – 90 days of relevance: veterinarians at the service of the people .....3

**People among us**

**Sirojiddin** – Don;t say “It’s over, I’m old, I’m tired” .....5

**Parasitic diseases**

**N.E. Yuldashiev, D.A. Yakhshieva, L.Sh. Sharipova** – The level of infection of sheep with helminths in the Tashkent region .....6

**S.I. Mavlanov Sh.R. Kholov, A.Sh. Ismoilov, S.S.Askarkhozhayev, N. Turabayev** – The fauna of sheep ectoparasites in some districts of the Tashkent region ..... 10

**H.E.Otaboyev, Z.A Aliboyev, A.S.Daminov** – Epizootic situation of cattle trematodosis in some districts of the Syrdarya region..12

**N.E. Yuldashiev, Zh.N. Daminov** – Private researches on the distribution of gastrointestinal helminths in horses in the Tashkent region .....16

**Kh.Kh. Abdukholikov, N.F. Mukhitdinova, N.B. Karimova, A.A. Safarov** – Molecular genetic analysis of the helminth fauna of dogs and cats distributed in the Tashkent region and the main helminth pathogens .....23

**Infectious diseases**

**M.K. Butaev, H.S. Salimov, I.Kh. Salimov, Sh.A.Rakhmatullaev** – African horse sickness (epizootiology, diagnosis and prevention) .....26

**R.F. Ruzikulov** – Age-related characteristics of the amount of immunoglobulins in the serum of Karakul sheep and their significance in the formation of colostral and natural immunity .....30

**Zoohygiene**

**D.K. Yuldashiev, A.A. Dadakhodzhaev, A.N. Mavlanov** – Effect of the use of the new feed additive “cb feed” on the productivity and blood indices of broiler chickens .....33

## ДОЛЗАРБ 90 КУН: ВЕТВРАЧЛАР ЭЛ ХИЗМАТИДА

Ижтимоий тармоқлару газета журналларни, теле-радиони кузатиб бораётган бўлсангиз, февраль ойида кўмита раиси Бухоро, Навоий вилоятларида бўлиб, янгидан янги лойиҳаларга қўл ураётган тадбиркорлар фаолияти билан яқиндан танишди, чорвадорлару мутахассислар билан учрашувлар ўтказди. Учрашувлар чоғида Президентимиз фармон ва қарорларига кўра чорвачилик ва паррандачиликни қўллаб-қувватлаш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратиш бўйича берилётган имтиёзу имкониятлар ҳақида сўз борди. Давлатимиз раҳбарининг “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросига ҳам эътибор қаратилди. Бошқарма бошлиқлари кўмита раисига “Долзарб 90 кунлик” доирасида амалга оширилаётган эпизоотик тадбирлару маҳаллабай, хонадонбай ишлаш самардорлиги ҳақида ахборот берди. Бу жараёнда фаоллик кўрсатаётган мутахассислар, ветучастка мудирлари ҳам эътироф этилди. Президентимиз топшириқларига кўра, катта маблағ эвазига Мўғулистондан келтирилган ва олиб келинаётган зотдор қўйларни сақлаш, парваришлаш, уларнинг зотдорлик сифатларидан келгусида янада самарали фойдаланиш жараёнларига таниқли олимлару тажрибали ветврачлар қатори ташхис



марказлари мутахассислари ҳам тўлиқ жалб этилгани айтиб ўтилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамизнинг қарийб 18 миллион гектарга яқин майдонини эгаллаган қорақўлчилик тармоғини ривожлантириш бугунги кунда ҳар қачонгидан-да муҳим. Чунки бу ҳудудда аҳоли жуда тарқоқ жойлашган, одамларнинг асосий даромад манбаи қорақўл қўйларидир. Қани энди нафақат қорақўл қўйларининг гўшти, балки бугун лойга қоришиб, чиқиндиҳонага ташлаб юборилаётган жун қайта ишланса, қорақўл шўро замонидagi каби қимматбаҳо матоҳга айланса... Бу ўша ҳудудда яшаётган чўпонлар қатори мутахассислару ветврачларнинг ҳам даромадига даромад кўшилади, деганидир. Томди, Учқудук, Конимех, Бухорою Қорақалпоғистондаги ўнлаб МЧЖ деб аталмиш қорақўлчилик хўжаликлар жамоаси, чўпон-чўликлар, каттаю кичик раҳбарлар тизимда қайта ишлаш пайдо бўлишини, жун ва тери долларга айланишини интиқлик билан кутаяпти, аммо бу хозирча шунчаки орзу холос. Ана шу оғриқли муаммо ўз ечимини топиши учун ҳам Президентимиз қорақўлчилик тармоғини

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси таркибига кўшишни лозим топди. Таҳлилчилар соҳа энди ўз эгасини топди, насиб этса, тизимда қайта ишлаш тармоқлари пайдо бўлади, жун ва тери ўз харидорини топади, деган фикрни айтишмоқда. Ана шу сабабли ҳам кўмита раисининг бухоролик ва навоийлик мутахассислару қорақўлчилик жонқуярлари билан учрашуви гоят қизиқарли кечди. Бугунги ҳолат, келгусида рўёбга чиқариладиган лойиҳалар атрофлича таҳлил этилди. Энг муҳими, бу жараёнда ветврачлар фаолияти янада самарали бўлиши таъкидлаб ўтилди.

– Илгари ветврачнинг имзоси бўлмаса харом ўлган ё бўри еб кетган ё чўпоннинг айби билан йўқотилган бирорта кўй- эчкини ҳисобдан чиқариб бўлмасди. Ҳисобдан чиқарилмадимми, бу йўқотишни айбдор ўз чўнтагидан тўлашга мажбур бўлар, чиким миқдори юқори бўлса

айбдор ҳатто камаларди. Буни “Чинор остидаги дуэл” номли кинода ҳам кўргансиз. Фақат кинода чўпонга айтилади, аслида эса ветврач асосий фигура бўлган ўша замонларда. Ана шундай жавобгарликни бугун яна тиклаш керак. Гап соҳанинг қандай мулкчилик турига ўтиб фаолият юритишида эмас, балки ҳаммаси охириги натижада. Қорақўл қўйлари зотини яхшилаш, бош сонини кўпайтириш, касалликка чалинтирмаслик ва ундан олинаётган маҳсулотларнинг доимий бозорига эга бўлишида, – дейди Конимех туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги маркази директори Низом Исмоилов бошини чайқаб. – Эсимда, ветврач сифатида эндигина иш бошлаган кезларим марказдан 100-200 километр узоқликдаги отарларда эпизоотик тадбирлар ижросини таъминлаш, чорвани эмлаш учун ҳафталаб қолиб кетардик. Шунга яраша ветврачнинг манфаатдорлиги ҳам таъминланган эди. Бугун минг афсуски, ветеринария хизматида меҳнатга ҳақ тўлаш жуда паст, айниқса ташхис марказларида. Такрор айтаман, иш ҳақи жуда паст бўлса-да, одамлар ишляпти, юқорига мурожаат қилганмиз, ҳадемай маошлар ошади, деган ваъдалар билан ишлятпмиз одамларни. Албатта эртами, индинми, бир йил, икки йилдан сўнгми, барибир маош ошади, бошқа йўл йўқ. Чунки қорақўлчилик ҳам кўмита тизимига ўтди, энди иш ҳажми ҳам янада ортади. Патматериалларнинг келиш ҳажми, қон таҳлиллари ҳам кўпаяди. Худога шукрки, асбоб-усқуналаримиз етарли, мутахассисларимиз ҳам ўз касбини севадиган кишилар.

Фақат иш ҳақини ошириш ҳақидаги “катталар”нинг ваъдаси ҳавода муаллақ қолмаслиги керак.

– Улуғ айём рўза кунлари ветврач сифатида турли жойлару лавозимларда ишлаётган кишиларга маслаҳатим бор. Вақт ҳамма нарсадан устун, аммо унинг кадрию қимматини фақат билим олишу кўпчиликлка кўмакдош бўлиш орқали ошириш мумкин. Қўлингиздан келган барча эзгуликни қилинг, Аллоҳ ажрини беради, қўшалоқ қилиб беради. Мен бунга ҳаётимда кўп бор гувоҳ бўлганман. Бу тилагим маошларни ошириш масаласига ҳам алоқадор, – дейди Низом Исмоилов.

Низом Исмоиловнинг сўзларига караганда айни чоғда у раҳбарлик қилаётган ташхис марказида жами 22 киши меҳнат қиляпти. Шуларнинг 9 нафари университетни битирган, яна икки киши ўқияпти. ВСЭЛда Ғолимжон Жанхўжаев мудар, Гулжайна Тиллаева лабо-



рант, Гулчеҳра Ҳайдарова ветсанитар. Уларнинг барчаси ўз касбини яхши кўрадиган, фидойи кишилар. Конимех бозори унча катта бўлмасида, озик-овқат ҳавфсизлигини сақлаш борасидаги ишлар рисоладагидек. Бу ерга якшанба кунлари жуда узоқлардан ҳам харидорлар келишади, лекин мутахассислар харидору сотувчилар талабини қондирган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

**Қўмита раисн ташаббуси билан бошлаб берилган “Долзарб 90 кунлик” тадбири Хоразм вилоятида ҳам намунали ташкил этилмоқда. Бу ҳақда вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шерзод Абидов шундай деди:** – Аввало бу тадбир вилоятимиздаги барча мутахассислару раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклаганини алоҳида таъкидлашим лозим. Чунки қўмита раисининг биринчи ўринбосари Ш. Джаббаров имзолаган ҳужжатда ҳам, вилоятимиз ҳоқими Жўрабек Раҳимовнинг кўрсатмасида ҳам кўклагми бу тадбир уюшқоқлик билан туманлардаги тегишли идоралар билан ҳамкорликда ўтказилиши баён этилган. Шунга кўра биз барча туман ва шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш

бўлимлари бошлиқларига тегишли топшириқлар бердик ва 214 нафар ветеринария мутахассисларидан иборат тезкор ва сифатли ишлайдиган эмлаш гуруҳлари ташкил этилди. Бу гуруҳларга ветврачлар қатори кичик ветеринария мутахассислари ҳам жалб этилди. Ёшлар асосий куч, ижрочи механизм сифатида белгиланди. Дастлабки юриш Туркменистон республикаси билан чегарадош бўлган Тупроққалъа туманидан бошланди. Профилактик эмлаш ишларида Аллаберганов Хасан, Раҳимов Асадбек, Эгамбердиев Махмуд, Якубов Эрзод, Жабборов Санжар, Турсинбоев Нemat, Матвафоев Ғайрат ва Садиков Махмуджон каби мутахассислар жонбозлик кўрсатиб, аҳолига юқумли касалликлардан қандай сақланиш тўғрисида тушунтириш беришди. Шу тариқа ҳаётимизда ветеринария хизмати нечоғлик муҳим эканлиги яққол намоён бўлди. Аслида, “Долзарб 90 кунлик” тадбирини мана шу тумандан бежиз бошламадик. Чунки бу туман вилоят марказига анча олисида жойлашган, одамларнинг асосий даромади ҳам чорвадан. Тупроққалъада аҳоли кам, устига устак ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам яхши эмас, дала-нинг шўри ювилмаса бу тупроқда қамишдан бўлак нарса кўқармайди. Бу албатта чорва озукасини тайёрлашда ҳам қийинчилик туғдиради. Таҷрибали мутахассисларимиз бу борада ҳам одамларга ўз маслаҳатларини беришди. Шу тариқа тумандаги мутахассислар малакасини ҳам иш жараёнида бир қадар оширишга эришдик. Муҳими, қишлоқ аҳли ветврачларнинг боши бирикса нечоғлик катта куч бўлишини яққол кўрди. Бир кунда минглаб одамларнинг молхонаси кўриқдан ўтказилди. Кимдир бир пиёла чой-нони билан, яна кимдир ширин сўзи билан бизни қарши олди. Маҳалла оксоқоллари, фаоллари илгари бунақаси бўлмаган, шунча ветврачни автобусда келганини кўрмаганмиз, дея хурсанд бўлишди. Вилоятимизнинг турли чеккаларида ишласада, бир-бирини кўриб суҳбат қуришга вақт топа олмаётган собиқ курсдошлару танишларнинг юзма-юз бўлганини айтмайсиз. Ўғлимни шу касбга ўқитаман насиб этса, дейдиганлар ҳам кўпайиб қолди. Хурсандчилик билан бошланган бир кунлик Тупроққалъа сафари натижадорлиги билан ҳам бизни қувонтирди. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, вилоят ва туманлардаги ташхис марказлари қатори бир қатор хусусий ветеринария мутахассисларини ҳам тадбирга жалб этдик. Бу ҳам оз эмас, кўп эмас, жами 203 нафар ветврач демакдир. Бу вилоятдаги барча турдаги чорва ҳайвонлари қатори паррандаларни ҳам тўлиқ эмлашга хизмат қилади. Бунга асло шубҳа йўқ.

Абдунаби Алиқулов



## “БЎЛДИ, ҚАРИДИМ, ЧАРЧАДИМ” ДЕМАНГ

ВИТИДа лаборатория мудири бўлиб ишлаётган Болибой ака Ҳақимов асли Каттакўрғоннинг Андоқ деган жойидан. Бу қишлоқ зукко чорвадору билимдон одамлари билан тилга тушган. Етти иқлимга маълум ва машҳур майизларни тайёрлаб бозорга чиқарадиган кишилар ҳам асли шу қишлоқдан. Болибой ака туғилган йил андоқликлар энди зўр бўлади, бойиб кетамиз, деб ният қилишган экан. Чунки шу йил собиқ шўро давлатининг янги пули чиққан, танганинг юзига 1961 йил деган ёзув тамғаланган экан. Болибой ака эса мактабни битиргач, ветврач бўлишга аҳд қилди, хужжатларини институтнинг ветеринария



факультетига топширди. Чунки Андоқда ўқитувчидан кўра ветврачнинг хурмати баланд, ҳар бир ҳовлида ҳеч бўлмаганда беш-ўн бош қўй-эчки, сигир-бузук бор эди. Жониворларни духтирга кўрсатиб турмаса бўлмайди, Андоқдаги ветврач ўта инжиқ, вақти кам, мижози кўп, ҳадеганда келавермайди ҳам. Келганда эса чорванинг эгаси уни роса сийлайди, хизмат ҳақини ҳам ортиги билан беради. Чунки ветврач қурғур

кейинги гал келмай қўйиши мумкин-да. Ана шунақа одам ветврач дегани. Ўқитувчи эса фақат мактабга керак, ойликка кун кўрадиган одам. Булар кичик бўлсада Болибойнинг кўнглидан кўп ўтди, ҳаёлида ветврач бўлиб, одамларнинг молини даволаб, давраларнинг тўрида ўтиргиси келди. Уни Самарқандга, қишлоқ хўжалиги институтида ўқишга йўллаган нарса ҳам шу бўлди. Бўлмаса отаси каби бирор фанни танлаб ўқитувчилик қилса ҳам бўларди. Отаси Нарзулла бобо ҳам мактабда математикадан дарс берган, ҳалол меҳнати билан эл орасида хурмат қозонган, аммо уни одамлар ветврач сингари бошига қўтармайди-да. Хуллас, Болибой Ҳақимов институтга кириб ўқиди, сўнг ВИТИДа, шаҳар ветеринария бўлимида ишлади. Шунчаки оддий ветврач эмас, балки раҳбарлик лавозимида. Андоқда Нарзулла домланинг ўғли катта идорада амалдор экан, деган гаплар тарқалганда Ҳақимовларнинг барчаси қувонди, Болибойга ҳавас қилишди. Орадан йиллар ўтди, Болибой ака уйланиб ота, сўнг бобо бўлди. Ҳаёти меҳмондўст одамларники каби завқли ўтди. Ёдимда, устознинг 60 ёшлик тўйига Андоқдан ёшу қари, чоллару кампирлар меҳмон бўлиб келишган, уни роса макташган эди. Элнинг дуоси Болибой акамизга куч-қувват берди ва уни янада илҳомлантирди, шаҳар ветеринария бўлимида ишлаб юрган акамиз яна олимлар сафига қайтди. Самарқандда ўз меҳнати ва шижоати билан кадр топган акамиз бугун ВИТИДа, ўзи севган соҳанинг энг қайноқ нуктасида, лаборатория мудири бўлиб ишлаяпти. 65 баҳорни қаршилаётганини эшитиб уни самимий табрикладик, сизга қўз тегмасин акагинам, дедик.

– Давлатимиз раҳбари ишлашу ташаббускорлик учун барча имкон имтиёзларни яратиб бермоқда. Қолаверса, ақлу заковатимиз зўр, илм-фан ютуқлари борасида ҳам пешқадаммиз, ёшларнинг шижоатини айтмайсиз. Четдан дунёнинг энг зўр техника ва технологияларини олиб келиш имкони бор. Мана шундай шароитда ветеринария дори-дармонларини, турли воситаларни кўпроқ ишлаб чиқариш зарур, – дейди Болибой ака Ҳақимов. – Биз шу орқали импортни камайтирган, иктисодимизни юксалтиришга ҳисса қўшган бўламиз.

\*\*\*

– Ёшинг ўтган сари соҳада бўлаётган катта ўзгаришларни кўриб қувонасан. Ғайратинг жўшади, қарилликка бўйсинмай ферма томон учиб кетгинг келади. Чунки умрим шу соҳада

ўтди, ветеринарияга қизиқиб шу касбнинг бошини тутиб кам бўлмадим. Сўмкамга ул-бул нарсаларни солиб Россиянинг Омск шаҳрига отланган чоғимда касал ётган сигирни турғазиб юборган, уни уқол қилиб соғайтирган мутахассиснинг қиёфаси кўз олдимдан кетмаган. Отам ўшанда неча пул берай ука, сенга раҳмат, сигирни даволадинг, энди болаларим сут-қатикдан узилиб қолмайди деганди. Ўзингиз биласиз, ака, мунча демайман, кўнглидан чиқариб бераверинг, деди у. Ана шу гап ҳам ҳамон қулоқларим остида. Омск ветеринария институтини битирганимга, қишлоққа қайтиб фермада иш бошлаганимга мана бугун роппа-роса 57 йил бўлди. 7 нафар фарзанднинг, 9 нафар набиранинг бобосиман. Биров нафси ёмон духтир экан, бети курсин демаган, балки шу сабабли ҳам 86 ёшдан ошган бўлсамда қаддим буқилмагандир, – дейди қамшилиқ Исмоил бобо Умаров.

Оддий қишлоқ уйи, дабдабадан заррача асар йўқ. Ўғиллар ишда, келинлар хизматда, набиранлар гоҳ униси, гоҳ буниси бобонинг ҳолидан бохабар. Қишлоқ одамларининг ҳол сўраб, гоҳ бир коса, бир тугун насиба бериши ва энг муҳими саломатликнинг жойи экани бу катта бахт. Кўнгли тинчлиги эса бебаҳо неъмат. Аслида бутун хикмат Исмоил бобонинг ўзида, эзулик тўла унинг қалбида. Қишлоқ кўчаларини ободлаштириш, ёш оилаларда аҳилликни таъминлаш, кам таъминланган, ночор кишиларга қўмақдош бўлиш... Бу ташвишларда ҳам Исмоил бобо маслаҳатгўй, баъзан қулоқсиз болаларга танбех ҳам беради ва улар бобонинг гапини икки қилишмайди. Чунки бобо уларнинг отасидан ҳам, бобосидан ҳам ёши улуг-да.

– Тўғрилик, ҳалоллик – бу кўпчиликка ё насиб қилади ё йўқ, аммо инсон унутмаслиги керак, бари ўткинчи, у ёққа ҳеч нарса олиб кетолмайсан. Самолётнинг ё ракетанг бўлсаям барибир шоирлар айтганидек тўрт оёқли чўбир отда охириги манзилга борасан. Яхши ветврачни Аллоҳнинг ўзи насибасини беради, бунга шак-шубҳа йўқ. Шогирдларни кўрганда яхши кўрадим, ё йўқми, шу гапни кистириб ўтаман, одамларнинг молини, эчки-қўйини, товуғини даволаб, сидқидилдан хизматини қилинг, улар ҳам дуо қилади ҳам пул беради, дейман. Шу тариқа суҳбатимиз қизийди. Ростини айтганда эса барака топгур Баҳромжон Тўраевич республика ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига раиси бўлгач катта ишларга қўл урди. Ветеринария ва чорвачилиқ соҳасини ривожлантиряпти. Отасига раҳмат. Президент топширик бергач Мўғлистондан зотдор қўйлар келтиришга киришилганини айтмайсиз. Илгари бу тушга ҳам қирмаган. Шу боис қани энди ёшлик қайтиб келсаю ем шимариб қишлоқ кезсанг, тилсиз жониворларни даволашга кириб кетсанг, дейман-да. Эҳ, замондан айланай, – дейди Исмоил бобо.

Кексалик гаштини суриб ёшларни ветеринария касбини эгаллашга ундаётган қамшилиқ оқсоқолга биз ҳам бахту омад тиладик, саксондан сакраб тўқсонга тўқнашиб юринг, дедик. Аллоҳ бизга-да мана шундай кексалик гаштини насибу рўз айласин, дея шивирладик ҳам.

Сирождин



УДК: 619.616.576.636.895.051.32/38

Н.Э. Йўлдошев, в.ф.д., профессор, илмий раҳбар,  
Д.А. Яхшиева, Л.Ш. Шарипова, таянч докторантлар,  
Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва  
биотехнологиялар университети Тошкент филиали,  
Ветеринария илмий тадқиқот институти

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҚЎЙЛАРНИНГ ГЕЛЬМИНТЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ

### Аннотация

Ушбу мақолада Тошкент вилоятида парвариш қилинаётган қўйларни гельминтокопрологик усуллар билан текширилганда аниқланган гельминтлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган. Мақолада йилнинг турли фасллари, вилоятнинг иқлим географик шароити ва қўйлар зоти бўйича гельминтларнинг тарқалиши таҳлил қилинган.

Тадқиқотларга кўра, гельминтокопрологик текширилган 1361 бош қўйларнинг 34,1 фоизи нематодируслар, 29,7 фоизи бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари, 15,9 фоизи маршаллагиялар, 8,0 фоизи диктиокаулалар, 6,3 фоизи монезиялар, 4,9 фоизи фасциолалар ҳамда 0,6 фоизи парамфистомлар билан зарарланганлиги, шунингдек, тоғли ҳудудлардаги 3 та туманлардан текширилган 642 бош қўйлар 6 хилдаги гельминтлар ва сувориладиган 5 та туманда текширилган 719 бош қўйлар 7 хил гельминтлар билан зарарланганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, мақолада турли ҳудудларда қўйларда йилнинг 4 фаслида аниқланган гельминтлар билан зарарланганлиги борадаги маълумотлар ҳам акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** қўй, тезак, Фюллеборн, кетма-кет ювиш, Берман Орлов ВИТИ модификацияси, микроскоп, гельминт тухуми, гельминт личинкаси, маршаллагия, нематодирус, бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари, монезия, фасциола, парамфистом, диктиокаула.

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда йилдан йилга ўсиб бораётган аҳолининг сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари – гўшт, сут, тухумга бўлган талабини қондириш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бу борадаги вазифаларни сўзсиз таъминлаш мақсадида кейинги йилларда Президентимизнинг қатор фармон ва қарор қарорлари қабул қилинмоқда. 2022 йил 8 февралда “Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026-йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2025 йил 30 январдаги “Чорвачилик ва паррандачиликни қўллаб-қувватлаш соҳада юқори қўшилган қиймат яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорлари ҳамда 2025 йил 30 январдаги “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг завоначий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари шулар жумласидан.

Юқоридаги қарорлар ижросини таъминлаш чорва ҳайвонларининг юқумли, паразитар ва юқумсиз касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Чорва моллари хусусан, қўйларда учрайдиган турли касалликлар қатори гельминтлар томонидан чақириладиган касалликлар ҳам туёқ сонининг ўсиш кўрсат-

### Annotation

This article reflects information on helminthoses that were identified when sheep being raised in the Tashkent region were examined by helminthocoprological methods. The article analyzes the distribution of helminths in different seasons of the year; climatic geographical conditions of the region and the breed of sheep.

According to studies, helminthocoprologically examined 1361 head sheep 34,1 percent were infected with nematodiruses, 29,7 percent with other gastrointestinal strongylates, 15,9 percent with marshallagies, 8,0 percent with dictyocaulae, 6,3 percent with monesias, 4,9 percent with fascioles, and 0,6 percent with paraphystomes, as well as being examined 642 head sheep examined from districts in 3 mountainous areas are reported to have been infested with 719 head sheep infected with 7 different helminths examined in 6 different helminths and 5 irrigated districts.

The article also highlights the results of sheep being infected with helminths detected in 4 seasons of the year in different regions.

кичларига ва улардан олинадиган маҳсулотларинг камайиши ҳисобига сезиларли иктисодий зарар келтиради. Ўзбекистонда қўйлар гельминтоз касалликларининг тарқалишини ўрганиш борасида илмий тадқиқотлар ўтказилган ва гельминтозларнинг олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган [1,2].

Аммо адабиёт манбаларида Тошкент вилоятининг турли иқлим минтақаларида қўйлар орасида гельминтларни, айниқса ошқозон-ичак ва нафас олиш тизими гельминтларини ўрганиш борасида жуда кам маълумотлар мавжуд [4,5,6,7,8].

Шундан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқотларимизда Тошкент вилоятида қўйлар гельминтларининг тарқалиш даражасини кенгрок ўрганишга эътибор қаратдик.

**Тадқиқотнинг мақсади, жойи ва усуллари.** Тадқиқотларда Тошкент вилоятининг Оҳангорон, Паркент, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Оққўргон, Янгийўл, Зангиота ва Қибрай туманларида парвариш қилинаётган 1361 бош қўйларнинг тезак намуналари гельминтокопрологик текширилди.

Копрологик текширишлар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси қошидаги Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий Марказида ҳамда Ветеринария илмий-тадқиқот институти гельминтология лабораториясида гельминтокопрологиянинг Фюллеборн, Қайта ювиш ва Берман – Орлов усулининг ВИТИ модификацияси усулларида амалга оширилди [3].

## 1-жадвал.

Тошкент вилояти туманларида парваришланаётган қўйларнинг гельминтлар билан зарарланганлик даражаси (гельминтоовоскопик текширишлар натижасида)

Туманлар	Текширилган қўйлар сони	Маршаллагия		Немато-дирус		Бошқа о/и стронгилтлари		Фасциола		Монезия		Диктиокаула		Парамфистом	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Охангарон	176	34	19,5	65	36,9	57	32,6	3	1,7	27	15,2	63	35,7	-	-
Бўстонлик	180	18	10,0	75	13,8	30	16,6	28	15,4	-	-	-	-	-	-
Паркент	286	50	17,4	103	36,0	55	19,1	14	4,9	-	-	-	-	-	-
Юқоричирчиқ	174	2	1,3	35	20,2	7	4,0	-	-	-	-	-	-	-	-
Оққўрғон	165	81	49,2	43	26,1	101	61,5	46	27,9	59	35,7	46	27,8	8	4,8
Зангиота	118	20	16,7	104	88,9	98	83,3	-	-	-	-	59	50,0	-	-
Янгийўл	110	-	-	-	-	22	20,0	-	-	-	-	-	-	-	-
Қибрай	152	10	6,6	40	26,6	35	23,3	-	-	22	14,2	-	-	-	-
Жами	1361	215	15,9	465	34,1	405	29,7	91	6,7	108	7,9	168	12,3	8	0,6

**Текшириш натижалари.** 1-жадвалдан кўриниб турибдики, Тошкент вилоятининг 8 та туманида парваришланаётган **1361 бош қўйлар** копрологик текширилганда, уларнинг нематодирус, бошқа ошқозон-ичак стронгилтлари билан анча юқори, маршаллагиялар билан ўртача, диктиокаула, монезия, фасциола ва парамфистомлар билан эса камроқ зарарланганлиги маълум бўлди.

Хусусан, текширилган 1361 бош қўйларнинг 465 боши ёки 34,1 фоизи нематодируслар, 405 боши ёки 29,7 фоизи бошқа ошқозон - ичак стронгилтлари, 215 боши ёки 15,9 фоизи маршаллагиялар, 168 боши ёки 12,3 фоизи диктиокаулалар, 108 боши ёки 7,9 фоизи монезиялар, 91 боши ёки 6,7 фоизи фасциолалар ҳамда 8 боши ёки 0,6 фоизи парамфистомлар билан зарарланганлиги аниқланди (1-жадвал).

Вилоятнинг тоғли ҳудудларида ўтказилган гельминтокопрологик текширишларда 642 бош қўйларнинг 37,8 фоизи нематодируслар билан, 22,1 фоизи бошқа ошқозон-ичак стронгилтлари билан, 15,9 фоизи маршаллагиялар билан, 9,8 фоизи диктиокаулалар билан, 7,0 фоизи фасциолалар билан ҳамда 4,2 фоизи монезиялар билан зарарланганлиги қайд этилди. Ушбу ҳудудда текширилган қўйлардан парамфистомлар топилмади (2-жадвал).

Вилоятнинг суғориладиган ҳудудларида ўтказилган гельминтокопрологик текширишларда эса капрологик усулларда текширилган 719 бош қўйларнинг 36,6 фоизи бошқа ошқозон-ичак стронгилтлари билан, 30,8 фоизи нематодируслар билан, 15,7 фоизи маршаллагиялар би-

лан, 14,6 фоизи диктиокаулалар билан, 6,4 фоизи фасциолалар билан ҳамда 11,2 фоизи монезиялар билан зарарланганлиги қайд этилди. Ушбу ҳудудда текширилган қўйларнинг 1,1 фоиз қўйларни парамфистомлар билан зарарланганлиги қайд этилди (3-жадвал).

Тошкент вилоятида қўйларнинг гельминтлар билан зарарланганлик даражасини йил фаслларида ўрганиш учун қишда 420 бош, баҳорда 440 бош, ёзда 252 бош ва кузда 249 бош қўйлар капрологик текширилди. Текширишлар натижасига кўра, қўйлар бошқа ошқозон-ичак стронгилтлари билан энг юқори 63,0 фоиз баҳор фаслида ҳамда 42,8 фоиз куз фаслида зарарланган бўлса, бу кўрсаткич қишда 13,8 фоизни ва ёзда 11,9 фоизни ташкил этди. Нематодируслар билан эса баҳорда 48,6 фоизни, кузда 43,0 фоизни, қишда 30,5 фоизни ва ёзда 6,3 фоизни, маршаллагиялар билан зарарланиш эса баҳорда 28,6 фоизни, кузда 14,2 фоизни ҳамда қиш ва ёзда тенг равишда 11,9 ва 1,5 фоизни ташкил этди. Фасциолалар билан зарарланиш баҳорда 15,9 фоизни ва кузда 8,4 фоизни ташкил этган бўлса, қиш ва ёзда фасциолалар билан зарарланган қўйлар аниқланмади. Монезиялар билан кузда 20,4 фоиз, баҳорда 15,0 фоиз ва ёзда 11,1 фоиз қўйлар зарарланган бўлса, қиш мавсумида монезиялар билан зарарланган қўйлар қайд этилмади. Диктиокаулалар билан баҳорда 22,7 фоиз, кузда 20,4 фоиз ва қишда 2,6 фоиз ва ёзда 2,3 фоиз зарарланиш қайд этилди. Парамфистомлар фақат баҳор мавсумида 1,8 фоиз қўйларда аниқланган

## 2-жадвал.

Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида парваришланаётган қўйларнинг гельминтлар билан зарарланганлик даражаси (гельминтоовоскопик текширишлар натижасида)

Туманлар	Текширилган қўйлар сони	Маршаллагия		Немато-дирус		Бошқа о/и стронгилтлари		Фасциола		Монезия		Диктиокаула		Парамфистом	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Охангарон	176	34	19,5	65	36,9	57	32,6	3	1,7	27	15,2	63	35,7	-	-
Бўстонлик	180	18	10,0	75	41,6	30	16,6	28	15,5	-	-	-	-	-	-
Паркент	286	50	17,4	103	36,0	55	19,1	14	4,9	-	-	-	-	-	-
Жами	642	102	15,9	243	37,8	142	22,1	45	7,0	27	4,2	63	9,8	-*	-

3-жадвал.

Тошкент вилоятининг суғориладиган ҳудудларида парваришланаётган қўйларнинг гельминтлар билан зарарланганлик даражаси (гельминтоовоскопик текширишлар натижасида)

Туманлар	Текширилган қўйлар сони	Маршаллагия		Немато-дирус		Бошқа о/и стронгилятлари		Фасциола		Монезия		Диктиокаула		Парамфистом	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Юқоричирчик	174	2	1,3	35	20,2	7	4,0	-	-	-	-	-	-	-	-
Оққўрғон	165	81	49,2	43	26,1	101	61,5	46	27,9	59	35,7	46	27,9	8	4,8
Зангиота	118	20	16,7	104	88,9	98	83,3	-	-	-	-	59	50	-	-
Янгийўл	110	-	-	-	-	22	20,0	-	-	-	-	-	-	-	-
Қибрай	152	10	6,6	40	26,6	35	23,3	-	-	22	14,2	-	-	-	-
Жами	719	113	15,7	222	30,8	263	36,6	46	6,4	81	11,2	105	14,6	8	1,1

бўлса, бу инвазия билан зарарланиш йилнинг бошқа фаслларида қайд этилмади (4-жадвалга қаралсин).

Тадқиқотларда Тошкент вилоятида паравариш қилинаётган маҳаллий, арашан ва меринос зотли қўйларнинг гельминтлар билан зарарланганлиги қиёсий ўрганилди

Вилоятда парваришланаётган 805 бош маҳаллий зотли, 380 бош арашан ва 176 бош меринос зотли қўйлар гельминтокопрологик текширилганда, маҳаллий зотли қўйларнинг 37,8 фоизи нематодируслар билан, 37,6 фоизи бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари билан, 18,7 фоизи маршаллагиялар билан, 12,7 фоизи диктиокаулалар билан, 10,9 фоизи фасциолалар билан, 10,1 фоизи монезиялар ва 1,0 фоизи парамфистомлар билан, арашан зотли қўйларнинг 11,8 фоизи бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари билан, 13,2 фоизи нематодируслар билан, 7,9 фоизи маршаллагиялар билан, меринос зотли қўйларнинг эса нематодируслар билан 36,9 фоизи, бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари билан 32,3 фоизи, диктиокаулалар билан 36,6 фоизи, маршаллагиялар билан 19,3 фоизи, монезиялар билан 15,3 фоизи ва фасциолалар билан 1,7 фоизи зарарланганлиги аниқланди. 5-жадвал маълумотларидан шунини кўриш мумкинки, маҳаллий ва меринос зотли қўйлар арашан зотига нисбатан гельминтлар билан анча юқори зарарланишга эга.

Хулосалар:

Бизнинг тадқиқотларда Тошкент вилоятида копрологик текширилган қўйларнинг 34,1 фоизи нематодируслар, 29,7 фоизи бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари, 15,9 фоизи маршаллагиялар, 12,3 фоизи диктиокаулалар, 7,9 фоизи монезиялар, 6,7 фоизи фасциолалар ҳамда 0,6 фоизи парамфистомлар билан зарарланганлиги аниқланди.

Вилоятнинг тоғли ҳудудларида парваришланаётган қўйлар 37,8 фоиз нематодируслар билан, 22,1 фоиз бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари билан, 15,9 фоиз маршаллагиялар билан, 9,8 фоиз диктиокаулалар билан, 7,0 фоиз фасциолалар билан ҳамда 4,2 фоиз монезиялар билан зарарланган. Ушбу ҳудудда парамфистомлар билан зарарланган қўйлар қайд этилмади.

Вилоятнинг суғориладиган ҳудудларида қўйларнинг 36,6 фоизи бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари билан, 30,8 фоизи нематодируслар билан, 15,7 фоизи маршаллагиялар билан, 14,6 фоизи диктиокаулалар билан, 6,4 фоизи фасциолалар билан ҳамда 11,2 фоизи монезиялар билан зарарланганлиги қайд этилди. Ушбу ҳудудда текширилган қўйларнинг 1,1 фоизида парамфистомлар аниқланди.

Йил фасллари бўйича қўйларнинг гельминтлар билан зарарланиши фарқланади, баҳор ва кузда қўйлар гельминтлар билан кўпроқ ва қиш ва ёз фаслларида камроқ зарарланган.

4-жадвал.

Тошкент вилоятида қўйларнинг йил мавсумлари бўйича гельминтлар билан зарарланганлиги (гельминтоовоскопик текширишлар натижасида)

Фасллар	Текширилган қўйлар сони	Маршаллагия		Нематодирус		Бошқа о/и стронгялари		Фасциола		Монезия		Диктиокаула		ПарамФистом	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Қиш	420	50	11,9	128	30,5	58	13,8-	-	-	-	-	11	2,6	-	-
Баҳор	440	126	28,6	214	48,6	217	63,0	70	15,9	66	15,0	100	22,7	8	1,8
Ёз	252	4	1,5	16	6,3	30	11,9	-	-	30	11,1	6-	2,3	-	-
Куз	249	35	14,2	107	43,0	107	42,8	21	8,4	51	20,4	51	20,4	-	-
жами	1361	215	15,9	465	34,1	405	29,7	91	6,7	108	7,9	168	12,3	8	0,6



Тошкент вилоятида қўйларнинг зоти бўйича гельминтлар билан зарарланганлиги  
(гельминтоооскопик текширишлар натижасида)

Қўй зотлари	Текширилган қўйлар сони	Маршаллагия		Немато-дирус		Бошқа о/и стронгилятлари		Фасциола		Монезия		Диктиокаула		Парамфистом	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Махаллий	805	151	18,7	305	37,8	303	37,6	88	10,9	81	10,1	103	12,7	8	1,0
Арашан	380	30	7,9	51	13,2	45	11,8	-	-	-	-	-	-	-	-
Меринос	176	34	19,3	109	36,9	57	32,3	3	1,7	27	15,3	65	36,9	-	-
Жами	1361	215	15,9	465	34,1	405	29,7	91	6,7	108	7,9	168	12,3	8	0,6

Қўй зотлари бўйича ҳам қўйларнинг зарарланиши бир-бирдан фаркланади. Тадқиқотларда махаллий ва меринос зотли қўйлар арашан зотли қўйларга нисбатан маршаллагия, нематодирус ва бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари билан юкори зарарланганлиги қайд этилди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. И.Х. Иргашев “Гельминты и гельминтозы каракульских овец” Тошкент-1973 йил 14-53б.
2. Йўлдошев Н. Э. “Гельминтозларга қарши курашнинг замонавий услуб воситалари” автореферат дисс. Самарқанд-2018. 1-22.б
3. А. О. Орипов, А. Ғ. Ғофуров, Н. Э. Йўлдошев, Ш. А. Джаббаров, Р. Б. Давлатов, М. Э. Ғоипова “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг паразитология ва инвазион касалликлари” Дарслик, Тошкент-2023 йил 52-158б.
4. Йўлдошев Н. Э., Раҳманова Л. А., Яхшиева Д. А. “Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида майда шохли молларда айрим

ошқозон-ичак стронгилятозларининг тарқалиш даражаси” Ветеринария медицинаси 2022. 3-сон. 19-20.б.

5. Йўлдошев Н. Э., Яхшиева Д. А “Тошкент вилоятида қўйларнинг асосий гельминтозлари” Паразитологиянинг бугунги кундаги муаммолари, ечимлари ва истиқболлари” респ. илмий-амалий конф. Тошкент-2024.210-216.б.

6. Йўлдошев Н. Э., Яхшиева Д. А “Қўйларнинг ошқозон-ичак гельминтозлари” Ветеринария жарроҳлиги кеча ва бугуни” халқаро илмий- амалий конф.матер. Тошкент-2024. 49-52.б

7. Яхшиева Д. А., Даминов Ж.Н “Тошкент вилояти Оққўрғон тумани (суғориладиган ҳудуд) да қўйларнинг овқат хазм қилиш тизими гельминтозларининг тарқалишини ўрганиш бўйича ўтказилган хусусий тадқиқотлар” Микроорганизмларнинг антибиотикларга сезувчанлигини ўзгариш сабаблари ва оқибатлари” Халқаро конф. Мат.Тошкент -2024.320-325.б.

8. Яхшиева Д. А “Қўй зотларида гельминтозларнинг тарқалишини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар”. Сб. Мат. Межд. Конф. “Актуальные проблемы ветеринарной медицины и животноводства и их решения”. Нукус.2024. с. 227-229.

**КАМТАРИН УСТОЗ ЭДИЛАР**

Хотира



Вилоятимиз ветеринария хизматида узок йиллар самарали меҳнат қилган азиз устозимиз, камтарин инсон Тоҳир Расулов бу оламни тарк этди. У кишини яхши билган, меҳрию кўмагидан баҳраманд бўлган шогирдлари қариндошларнинг кўнгли қайғуга ботди. Охирати обод бўлсин, дея устознинг оиласига, қариндош-уруғларига Куръону қарим оятларидан тиловатлар қилиб таъзия билдирдик. Агар у ҳаёт бўлганида 75 баҳорни қаршилаган, ветврач сифатида иш бошлаганига 50 йилдан ошган бўларди.

Тоҳир ака Жиззах шаҳрида туғилиб, шу ерда ўсган бўлсада, болалигиданоқ чорвачиликка меҳр қўйган эди. Шу боис 1970 йил мактабни битиргач, ҳеч иккиланмай Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетига хужжатларини топширган эди. Беш йиллик ўқиш зув этиб ўтдию кетди. Тоҳир ака дастлаб ёш бўлса-да, вилоят ветеринария бошқармасининг эпизоотик отрядида ветврач сифатида иш бошлади. Сўнг вилоят лабораториясида турли лавозимларда меҳнат қилди. 1979 йил шу идорага раҳбарлик қилди, кейин беш йил давомида вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб, юзлаб ёшларнинг меҳрибон устозига айланди. У раҳбарлик қилган йилларда ветеринария хизматининг моддий-техник аҳволи тубдан яхшиланиб, мутахассислар малакасию маҳорати оширилди. Идорага

янги техника воситалари, автоуловлар келтирилди. Ёшларнинг амалиёт жараёнида ўзлари танлаган касбни пухта эгаллашига кенг имкониятлар яратилди. Шу боис у кўпчиликнинг меҳрини қозонган раҳбарга айланган эди. Кейинги йилларда тиниб-тинчимас устозимиз вилоят асарларчилар уюшмаси раҳбари сифатида бу соҳанинг ривож топишига муносиб ҳисса қўшаётган эди. Шафқатсиз ўлим уни орамиздан олиб кетди, аммо устоз бошлаб берган ва давом эттираётган хайрли ишлар тўхтаб қолмайди. Аллоҳга шукрки, раҳматли акамиз Тоҳир Расуловнинг оқибатли ва зукко шогирдлари жуда кўп. Улар устоз бошлаган яхши ишларни давом эттириб, унинг руҳини шод этишади.

**Завқи Суяров,** Жиззах вилояти ҳайвонлар касалликлари таъхисси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази директори

UDK: 619.576.895.751.614.

S.I. Mavlanov, v.f.d., professor,  
Sh.R.Xolov, mustaqil izlanuvchi,  
A.Sh. Ismoilov, v.f.f.d. (PhD), katta ilmiy xodim,  
O'zbekiston Veterinariya ilmiy tadqiqot instituti,  
S.S. Asqarxo'jayev, mustaqil izlanuvchi,  
N.Turabaev, mustaqil izlanuvchi

## TOSHKENT VILOYATINING AYRIM TUMANLARIDA QO'YLAR EKTOPARAZITLARINING FAUNASI

### Аннотация

В данной статье описана фауна эктопаразитов овец, содержащих в овцеводческих и домашних хозяйствах Охангаронского, Паркентского и Кибрайского районов Ташкентской области.

**Kalit so'zlar:** Qo'y, ektoparazit, fauna, ikzodidoz, kana, parazit, qo'ychilik xo'jaliklari, *Hyalomma anatolicum*, *Hyalomma detritum*, *Rhipicephalus bursa*, *Bovicola ovis*.

### Annotation

This article studied the fauna of ectoparasites of sheep kept in sheep breeding and household farms in the Okhangaron, Parkent and Kibray districts of the Tashkent region.

**Kirish.** Bugungi kunda aholini sifatli go'sht bilan ta'minlash, go'shtga bo'lgan talabini qondirish maqsadida qo'ychilik sohasiga e'tibor qaratilmoqda. Qo'ylar quyidagi oziq-ovqat mahsulotlari (go'sht, yog', sut) va yengil sanoatga qimmatli xom ashyo (jun, teri, mo'yna) yetkazib beradi. Qo'y jini xalq xo'jaligi uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Qo'y junidan gazmol, trikotaj buyumlar, gilam va h.k., terisidan po'stin, mo'ynasidan turli kiyim-kechaklar tikiladi, go'shti oqsil va yog'ga boy to'yimli mahsulot, sutidan pishloq, brinza va boshqa tayyorlanadi.

Chetdan olib keltirilgan qo'y zotlarini yurtimizning iqlim sharoitiga moslashtirgan holda boqish, naslchilik ishlarini olib borish, oziqlantirish texnologiyalarini ishlab chiqish juda muhimdir.

Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan shu kabi bir qator islohotlar asosida mamlakatimizda veterinariya sohasi ham jadal rivojlanib, juda ko'plab ilmiy amaliy ishlar amalga oshirilmoqda. Biroq qo'ylar orasida keyingi yillarda ektoparazitlar bilan zararlaniish avj olishi natijasida ularning go'sht va jun berish mahsuldorliklarining kamayishiga hamda sifatining pasayishiga olib kelmoqda. Shuning uchun qo'ylar tanasida parazitlik (tekinxo'rlik) qilib yashaydigan ektoparazitlar faunasi va tarqalishini o'rganish muhim ahamiyatga ega.

Жами:	1138	1031	90,6	650	57,1	379	33,3	270	23,7	53	4,7	14	1,2	106	9,3	107	9,4

Тошкент вилоятида отларнинг ёши бўйича гельминтлар билан зарарланганлик даражаси

Отлар ёши	текширилган отлар сони	стронгилятлар		стронгилоид (S. Westeri)		трихонематидлар		параскарид (P. Equorum)		фасциола		дикроцелия		аноцелоцефалит		оксиурис	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
2-ёшгача	288	245	85,1	129	44,8	71	24,6	92	31,9	6	2,1			21	7,3	18	6,2
2-5 ёшли	436	408	93,5	263	60,3	156	35,8	107	24,5	22	5,0	6	1,4	43	9,8	38	8,7
5 ёшдан катта	414	378	91,3	258	62,3	152	36,7	71	17,1	25	6,0	8	1,9	42	10,1	51	12,3
жами:	1138	1031	90,6	650	57,1	379	33,3	270	23,7	53	4,6	14	1,2	106	9,3	107	9,4

Англия зотида мансуб отлар нематода синфи гельминт вакилларида стронгилятлар билан 90,8 фоиз, стронгилоидлар билан 44,8 фоиз, трихонематидлар билан 29,9 фоиз, параскаридлар билан 22,4 фоиз, оксиурислар билан 9,2 фоиз ва цестода синфи вакиллари аноцелоцефалитлар билан 5,7 фоиз ҳамда трематода синфи вакилларида фасциолалар билан 3,4 фоиз ва дикроцелиялар билан 0,6 фоиз зарарланганлиги қайд этилди.

Пони зотида мансуб отлар эса нематода синфи гельминт вакилларида стронгилятлар билан 96,4 фоиз, стронгилоидлар билан 85,7 фоиз, трихонематидлар билан 42,9 фоиз, параскаридлар билан 28,6 фоиз, оксиурислар билан 10,7 фоиз ва цестода синфи вакиллари аноцелоцефалитлар билан 28,5 фоиз ҳамда трематода синфи вакилларида фасциолалар билан 14,3 фоиз зарарланган бўлса, бу от зотидан тадқиқотларимизда дикроцелиялар билан зарарланиш қайд этилмади.

Слазка зотида отлар тадқиқотларимизда нематода синфи гельминт вакилларида стронгилятлар билан 80,7 фоиз, стронгилоидлар билан 72,7 фоиз, трихонематидлар ҳамда параскаридлар билан 32,9 фоиз, оксиурислар билан 12,5 фоиз ва цестода синфи вакиллари аноцелоцефалитлар билан 6,8 фоиз ҳамда трематода синфи вакилларида

фасциолалар билан 4,5 фоиз ва дикроцелиялар билан эса 1,1 фоиз зарарланганлиги аниқланди (5-жадвал).

Таҳлилларга кўра, Тошкент вилоятида парвариш қилинаётган 6 зотга мансуб отлар ошқозон-ичак стронгилятлари билан 80,7 (слазка зоти) дан 96,4 (пони зоти) фоиз юқори даражада, стронгилоидлар билан 51,4 (ахалтикин зоти) дан 85,7 (пони зоти) ўртадан юқори даражада, параскаридлар билан 22,0 (ахалтикин зоти) дан 32,9 (слазка зоти) фоиз ўртача даражада, оксиурислар билан эса 6,1 (махаллий зот) дан 13,5 (ахалтикин зоти) фоиз бирмунча паст даражада зарарланиш қайд этилди.

Фасциолалар билан энг юқори 14,3 фоиз пони от зоти зарарланган бўлса, энг кам зарарланиш маҳаллий зотли отларда 3,3 фоиз қайд этилди. Дикроцелиялар билан эса қорабайир, ахалтикин зотли отлар 2,5 фоиз зарарланган бўлса, маҳаллий, англия ва слазка зотли отларда 1 фоизгача зарарланиш қайд этилди, тадқиқотларимизда пони зотли отларда дикроцелиялар аниқланмади.

Аноцелоцефалитлар билан зарарланиш энг юқори пони зотли (28,5%) ва қорабайир зотли (16,4%) отларда қайд этилди, қолган 4 та зотга мансуб отларда 5,9 дан 8,5% гача зарарланиш қайд этилди (5-жадвал).

Тошкент вилоятининг турли хўжалик юритиш шаклларида отларнинг ошқозон-ичак гельминтлари билан зарарланганлик даражаси

Хўжалик юритиш шакли	текширилган отлар сони	стронгилятлар		стронгилоид (S. Westeri)		трихонематидлар		параскарид (P. Equorum)		фасциола		дикроцелия		аноцелоцефалит		оксиурис	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Аҳоли	310	286	93,2	204	65,8	86	35,8	58	27,6	29	9,3	9	2,9	51	16,4	41	13,2
Фермер	355	304	92,2	157	61,1	127	35,1	98	24,1	17	4,8	5	1,4	34	9,6	40	11,2
Йирик хўжаликлар	473	441	85,6	289	44,2	166	27,7	114	18,7	7	1,5	-	-	21	4,4	26	5,5
Жами:	1138	1031	90,6	650	57,1	379	33,3	270	23,7	53	4,6	14	1,2	106	9,3	107	9,4

Энди ўтказган тадқиқотларимиз натижасига кўра, турли ёшли отларда ошқозон-ичак гельминтларининг тарқалиши борасида олинган маълумотларни келтирамиз.

Отларнинг ёшлари орасида ошқозон-ичак гельминтларини ўрганиш учун 288 бош 2- ёшгача, 436 бош 2-ёшдан 5- ёшгача ва 414 бош 5- ёшдан катта отлар гельминткопрологик текширишдан ўтказилди. Текширилган 2-ёшгача бўлган отларда стронгилятлар, стронгилоидлар, трихонематидлар, аноплоцефалитлар ва оксиурислар билан зарарланиш даражаси 2-5 ёшли ва 5 ёшдан катта отларга нисбатан бирмунча камлиги қайд этилди.

Шунингдек, дикроцелиялар билан зарарланиш 2 ёшгача бўлган отларда аниқланмаган бўлса, 2-5 ёшли отларда 1,4 фоиз ва 5 ёшдан катта отларда 1,9 фоиз дикроцелиялар билан зарарланиш қайд этилди.

Фасциолалар билан эса 2 ёшгача бўлган отларда 2,1 фоиз, 2-5 ёшли отлар 5,0 фоиз ва 5 ёшдан катта отларда 6,0 фоиз зарарланиш қайд этилди (*6-жадвал*).

Бугунги кунда чорва моллари шу жумладан, отчиликда ҳам хўжалик юритиш шакллариининг турлича эканлигини ҳисобга олиб, тадқиқотларда аҳоли, фермер ва йирик хўжаликларда парвариш қилинаётган отларда ошқозон-ичак гельминтларининг тарқалиш даражаси ҳам ўрганилди.

Хўжалик юритиш шакллари бўйича отларда ошқозон-ичак гельминтларининг тарқалиши ўрганилганда **аҳоли қармоғидаги** парвариш қилинаётган отлар стронгилятлар, стронгилоидлар, трихонематидлар, параскаридлар, фасциолалар, дикроцелиялар, антоплоцефалитлар ва оксиурислар билан **фермер ва йирик хўжаликларда** парвариш қилинаётган отларга нисбатан юқори зарарланганлиги аниқланди.

Хусусан, аҳоли отлари йирик хўжаликлардаги отларга нисбатан фасциолалар билан 6,2 марта, аноплоцефалитлар билан 3,7 марта, оксиурислар билан 2,4 марта ва параскаридлар билан 1,4 марта кўпроқ зарарланганлиги қайд этилди. Шу билан бирга фермер хўжаликларида парвариш қилинаётган отларга нисбатан ҳам аҳоли қармоғидаги отлар фасциола билан 1,9 марта, дикроцелия билан 2 марта ва антоплоцефалитлар билан 1,7 баробар юқори зарарланган (*7-жадвал*).

#### Хулосалар

1. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг Ипподром ҳудудларида парвариш қилинаётган отларни гельминтоо-воскопик тадқиқотлар натижасига кўра:

- ошқозон-ичак тизимида паразитлик килувчи нематодалар синфи вакиллари ҳисобланган стронгилятлар билан отлар 90,6 фоиз, стронгилоидлар билан 57,1 фоиз, трихонематидлар билан 33,3 фоиз, параскаридлар билан 23,7 фоиз, оксиурислар билан 9,4 фоиз;

-трематода синфи вакиллари фасциолалар билан 4,6 ва дикроцелиялар билан 1,2 фоиз ҳамда цестода синфи вакиллари ҳисобланган аноплоцефалитлар билан 9,4 фоиз зарарланган.

2. Вилоятнинг турли иқлим минтақаларида отларнинг гельминтлар билан зарарланганлиги бир-биридан

фарқланиб, фасциолалар билан зарарланиш суғориладиган ҳудудларда тоғли ҳудудларга нисбатан 2,5 марта кўп қайд этилди.

3. Йил мавсумларида отларнинг ошқозон-ичак гельминтлари билан зарарланиши турлича бўлиб, бу ҳолат минтақанинг иқлими, гео ва биогельминтларнинг биологик ривожланиши ҳамда гельминтозларга қарши ўтказилаётган даволаш ва профилактик тадбирларнинг қай даражада ўтказилаётганлиги билан боғлиқ.

4. Илк бор 6 зотга мансуб отларда ошқозон-ичак гельминтларнинг тарқалиши ўрганилди:

- текширилган отлар ошқозон-ичак стронгилятлари билан 80,7 (слазка ёки польша зоти) зоти) дан 96,4 (пони ёки шотландия зоти) фоизгача юқори даражада, стронгилоидлар билан 51,4 (ахалтикин ёқт туркман зоти) дан 85,7 (пони зоти) фоизгача ўртадан юқори даражада, параскаридлар билан 22,0 (ахалтикин зоти) дан 32,9 (слазка зоти) фоизгача ўртача даражада, оксиурислар билан эса 6,1 (маҳаллий зот) дан 13,5 (ахалтикин зоти) фоизгача бирмунча паст даражада зарарланган.

- фасциолалар билан энг юқори 14,3 фоиз пони от зоти зарарланган бўлса, энг кам зарарланиш маҳаллий зотли отларда 3,3 фоиз, дикроцелиялар билан эса қорабайир, ахалтикин зотли отлар 2,5 фоиз зарарланган бўлса, маҳаллий, англия ва слазка зотли отларда 1 фоизгача зарарланиш қайд этилиб, пони зотли отларда дикроцелиялар аниқланмади.

- аноплоцефалитлар билан зарарланиш энг юқори пони зотли (28,5%) ва қорабайир зотли (16,4%) отларда қайд этилиб, маҳаллий, ахалтикин, англия ва слазка зотига мансуб отларда 5,9 дан 8,5% гача аноплоцефалитлар билан зарарланиш қайд этилди.

5. Ёшлар бўйича ҳам отларнинг ошқозон-ичак гельминтлари билан зарарланганлиги даражаси фарқланади:

-текширилган 2-ёшгача бўлган отлар стронгилятлар, стронгилоидлар, трихонематидлар, аноплоцефалитлар ва оксиурислар билан 2-5 ёшли ва 5-ёшдан катта отларга нисбатан бирмунча кам зарарланган.

- дикроцелиялар билан зарарланиш 2 ёшгача бўлган отларда аниқланмади, 2-5 ёшли отларда 1,4 фоиз ва 5 ёшдан катта отларда 1,9 фоиз қайд этилди.

- фасциолалар билан эса 2 ёшли отлар 1,9 фоиз, 2-5 ёшли отлар 5,0 фоиз ва 5 ёшдан катта отлар 6,0 фоиз зарарланган.

6. Хўжалик юритиш шаклларида отларнинг ошқозон-ичак гельминтлари билан зарарланиши турлича:

- аҳоли отларининг стронгилятлар, стронгилоидлар, трихонематидлар, параскаридлар, фасциолалар, дикроцелиялар, антоплоцефалитлар ва оксиурислар билан зарарланиши фермер ва йирик хўжаликлар шаклларида нисбатан юқори хусусан:

- аҳоли отлари йирик хўжаликлардаги отларга нисбатан фасциолалар билан 6,2 марта, аноплоцефалитлар билан 3,7 марта, оксиурислар билан 2,4 марта ва параскаридлар билан 1,4 марта кўп зарарланган.

- фермер хўжаликларида парвариш қилинаётган отларга нисбатан ҳам аҳоли қарамогидаги отлар фасциола билан 1,9 марта, дикроцелия билан 2 марта ва анаплазоцефалитлар билан 1,7 баробар юқори зарарланган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Сафаев Я.С. Гельминты лошадей Узбекистана и эффективность антгельминтиков в борьбе с аноплацефалидозами и стронгилятозами // Автореф. канд. вет. наук. – Москва – 1973. – 23 с.
2. Бобоева М.Б. Изучение биологии возбудителя и эпизоотологии пробстмайриоза однокопытных в условиях Узбекистана: Автореф. канд. вет. наук. – Самарканд, 1971. – 19 с.
3. Султанов М.А., Дадаев С., Азимов Д.А. Гельминты непаркопытных животных юга Узбекистана // Узб. биол. журн., – Ташкент – 1975. – №3, – С. 44-46.
4. Данияров И.А., Сафаев Я.С. Сезонная и возрастная динамика парафиляриоза Лошадей Узбекистана // Тр. ин-та/ УзНИВИ. – С., – 1980. – Т. 30. –ч.1. – С. 30-31.
5. Бэкиров Р.Э. К Мрморфологии и биологии эхинококкоза лошадей в Узбекистане // Возбудители и переносчики паразитов и меры борьбы с ними. – Ташкент. – 1988. – С. 34.

6. Сапаров К.А., Голованов В.И., Акрамова Ф.Д., Шакарбаев Э.Б., Азимов Д.А. Эколого-фаунистический анализ нематод подотряда Filariata – паразитов млекопитающих Узбекистана // Российский паразитологический журнал. – 2012. – №4, – С. 29-37.
7. Тургунов С. Н. Каниязов А. Ж. Шакарбаев Э. Б. “Распространение нематод *Parascaris equorum* (GOEZE, 1782) в северо-западных и Восточных районах Узбекистана”. Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями. Москва.2023 С. 475-479
8. Ураков К.Х., Даминов А.С., Х. Б. Юнусов “Самарканд вилоятининг айрим туманларида отлар орасида ошқозон-ичак стронгилятозларининг тарқалиш динамикаси”. Ветеринария медицинаси илмий оммабоп журнали 2024 й. 4-сон.13-15.б.
9. А. О. Орипов, Н. Х. Ениллева, Н. Э. Йўлдошев “Гельминтозы лошадей и меры борьбы с ними Узбекистане”. Тез. Докл. Науч. Конф. Посвещ. 70-летию с дня образ. УзНИВИ. Сам.1996.
10. Исаев Ж. М “От (equus caballus), пржевальский оти (e. przewalskii) ва қулон (e. hemionus)ларнинг асосий гельминтозлари. Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори диссер.Сам.2019 й.104-106.б
11. А. О. Орипов, А. Ғ. Ғофуров, Н. Э. Йўлдошев, Ш. А. Джаббаров, Р. Б. Давлатов, М. Э. Ғоипова “ Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг паразитология ва инвазион касалликлари” Дарслик, Тошкент-2023 йил 52-158б.

Жорий йилнинг 25-27 февраль кунлари Самарқандда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқариш корхоналарининг IV халқаро кўргазмаси ўтказилди.

Кўргазмада Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Туркия, Эрон ва бошқа МДХ ва қўшни давлатларнинг 100 дан ортиқ етакчи компания ва ишлаб чиқарувчилари иштирок этиб, ўзларининг қишлоқ хўжалиги, шу жумладан чорвачилик, ветеринария ва зоотехнияга оид маҳсулотлари ва кўрсатадиган хизматларини ўз павильонлари ва пресс клубда тақдим этдилар. Кўргазмага Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятларининг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, паррандачилик ва ветеринария билан шуғулланувчи фермерлар ва тадбиркорлари таширф буюрди.

“AGRO PRO EXPO-2025” кенг қўламли қишлоқ хўжалиги кўргазмасида қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналари, агрокимёвий маҳсулотлар ва иссиқхоналар, уруғлар ва қўчатлар, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва паррандачиликда илғор технологиялар ва инновациялар, қишлоқ хўжалиги техникаси учун эҳтиёт қисмлари, ҳар хил суғориш тизимлари, фермер хўжаликлари учун автоматлаштириш тизимлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида бошқа замонавий технологиялар намойиш этилди.

Кўргазманинг 3-куни ушбу вилоятларда жойлашган қишлоқ хўжалиги олийгоҳлари, жумладан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг талабаларини хўжаликларда иш билан таъминлаш бўйича тақдимотлар бўлиб ўтди.



Нозир Ибрагимов, вилоят хокимининг Маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари



Фан янгиликлари тақдими



Пресс клуб



Зомин нонлари ва ота-боболар усулида мешқоба сақланаётган сариёғлар, зирavor ўсимликлар



Маҳаллий қурт турлари



Олийгоҳлар тақдими

УДК: 591:599.74:571.27

Х.Х. Абдухолиқов<sup>1</sup>, Н.Ф. Муҳитдинова<sup>2</sup>,  
Н.Б. Каримова<sup>1</sup>, А.А. Сафаров<sup>3</sup>,<sup>1</sup>Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети мустақил тадқиқотчиси,<sup>2</sup>Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали таянч докторанти,  
<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси бошқарма бошлиғи, б.ф.д., доцент

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТАРҚАЛГАН ИТ ВА МУШУКЛАР ГЕЛЬМИНТОФАУНАСИ ВА АСОСИЙ ГЕЛЬМИНТОЗЛАР ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ТАҲЛИЛИ

### Аннотация

Тошкент вилоятида тарқалган ит ва мушукларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражасини ўрганиш мақсадида 2022-2024 йиллар давомида вилоятнинг 8 та туманида 180 бош ит ва 84 бош мушукларда тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот натижаларига кўра текширилган 180 бош итлардан 171 боши (95.0%), ўрганилган 84 бош уй мушукларидан 53 боши (63.0%) турли гельминтлар билан зарарланганлиги аниқланди. Итларда аниқланган гельминтлар 4 та синф 17 та оилага мансуб 27 турдан, уй мушукларида эса 2 та синф ва 13 та оилага мансуб 28 турдан иборатлиги қайд этилди. Итларнинг *Ascarididae* оиласи вакиллари бўлиши *T. leonina* (95.0%; 171/180) ва *T. canis* (82.2%; 148/180) нематодалари билан зарарланиш даражаси юқори эканлиги аниқланди. Уй мушуклари эса мазкур оила вакиллари билан *T. leonina* (63.0%; 53/84) ва *T. cati* (58/3%; 49/84) билан зарарланиш даражаси нисбатан паст эканлиги қайд этилди. Мазкур паразитларнинг зооноз хусусиятлари инобатга олинган ҳолда морфологик ва молекуляр-генетик кўрсаткичлари ўрганилди ва филогенетик муносабатлари изоҳланди.

**Калит сўзлар:** ит, мушук, гельминтофауна, Тошкент вилояти.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 1 январь ҳолати бўйича ахбороти-га кўра, республикада 3 млн бошга яқин ит ва мушуклар расмий рўйхатга олинган. Уйда парваришланаётган ит ва мушукларнинг юқумли ва юқумсиз касалликларига қарши доимий профилактик тадбирлар амалга оширилади ва ветеринария хизматлари кўрсатилади. Бироқ, дайди ҳолатда ҳаёт кечирадиган ит ва мушукларнинг турли касалликларига қарши профилактик тадбирлар ўтказиш ва ветеринария хизматларини кўрсатиш имконияти нисбатан чекланган. Шу боисдан дайди ҳолатда тарқалган ит ва мушуклар турли паразитлар билан зарарланади ва зоонозлар тарқалишида муҳим бўлган бўлиб хизмат қилади.

Уй ҳайвонларининг эндопаразитлари нафақат ит ва мушукларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатиши, балки зоонотик потенциали туфайли ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ит ва мушуклар организмда учрайдиган гельминтлар турли хил клиник шароитларга олиб келиши мумкин, жумладан ошқозон-ичак ёки нафас олиш органларидаги ўзгаришлар, коагулопатиялар, неврологик касалликлар, анемия, дерматит, тана ҳолатининг ингичкалашиши ва маҳсулдорлигининг камайиши ҳамда жисмоний ҳаракатланиш қобилиятининг кескин пасайиши кузати-

### Abstract

In order to study the level of helminth infection in dogs and cats distributed in the Tashkent region, research was conducted on 180 dogs and 84 cats in 8 districts of the region during 2022-2024. According to the results of the study, 171 (95.0%) of the 180 dogs examined, and 53 (63.0%) of the 84 domestic cats were infected with various helminths. It was noted that the helminths detected in dogs consisted of 27 species belonging to 4 classes and 17 families, and in domestic cats, 2 classes and 28 species belonging to 13 families. It was found that dogs have a high level of infection with *T. leonina* (95.0%; 171/180) and *T. canis* (82.2%; 148/180), representatives of the *Ascarididae* family. Domestic cats have a relatively low level of infection with *T. leonina* (63.0%; 53/84) and *T. cati* (58/3%; 49/84), representatives of this family. Taking into account the zoonotic properties of these parasites, morphological and molecular-genetic indicators were studied and their phylogenetic relationships were explained.

лади. Оғир ҳолатлар, айниқса ёш ёки иммунитетини заиф ҳайвонларда ҳатто ўлимга олиб келиши ҳам мумкин (Lee et al. 2010; Taylor et al. 2016).

Бундан ташқари, *Toxocara canis* ва *Toxocara cati* нисбатан юқори тарқалганлиги ва ҳайвонларга салбий таъсири туфайли муҳим ошқозон-ичак паразитлари ҳисобланади ва одамлар учун доимий хавф туғдиради. Чунки мазкур паразитлар одамларда виссерал ва кўз личинкалари миграциясини, шунингдек, неврологик белгиларни келтириб чиқариши ҳатто атопияга потенциал кучайтирувчи таъсир кўрсатиши мумкин (Bourgoin et al. 2022).

Тошкент вилояти ҳудудий жойлашуви ва иқтисодий имкониятларига кўра Ўзбекистоннинг энг муҳим стратегик вилоятларидан ҳисобланади. Мазкур ҳудудда чорвачиликнинг деярли барча тармоқлари ривожланган бўлиб, ит ва мушуклар чорва ҳайвонларининг асосий ҳамроҳи бўлган уй ҳайвонларидан ҳисобланади. Шу боисдан ит ва мушукларда учрайдиган гельминтлар тур-таркибини аниқлаш ва қарши кураш чораларини доимо такомиллаштириб бориш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тошкент вилоятида тарқалган ит ва мушукларнинг гельминтофаунасини ўрганишга доир бир қатор олимлар

томонидан илмий изланишлар олиб борилган (Матчанов, 1967; Safarov et al. 2022; 2023; Сафаров, 2024). Бироқ, олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари вилоят миқёсида комплекс равишда ўрганилмаган, айрим адабиёт маълумотлари эса сезиларли даражада эскирган. Тошкент вилоятида тарқалган уй мушуклари (*Felis catus*) гельминтофаунаси бўйича эса маълумотлар етарли эмас. Ушбу ҳайвонларда учрайдиган гельминтларнинг зооноз хусусиятлари эса мутлақо ўрганилмаган ва молекуляр-генетик тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу боисдан, Тошкент вилояти ҳудудида тарқалган ит ва мушуклар гельминтофаунаси ва асосий гельминтозларини ўрганиш ветеринария ва соғлиқни сақлаш нуқтаи назардан муҳим вазибалардан саналади.

**Тадқиқотлар материаллари ва усуллари.** Тадқиқотлар 2022-2024 йиллар давомида Тошкент вилоятининг 8 та туман ва шаҳарларида (Нурафшон, Олмалик, Ангрэн, Бекобад, Оҳангарон, Чирчик, Янгийўл ва Зангиота) тарқалган 180 бош итлар ва 84 бош мушукларда тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усуллари орқали йилнинг барча фаслларида йиғилган (Скрябин, 1928). Текширилган ҳайвонлар жинс хусусиятларига кўра қуйидагича: 180 бош итдан 144 боши эркек, 36 боши урғочи, 84 бош мушуклардан 60 боши эркек, 24 боши урғочи жинсига мансуб.

**1-жадвал.**

**Тошкент вилоятида тарқалган итлар (*Canis familiaris*)нинг гельминтофаунаси ва токсонимик ҳолати (n=171)**

Синф	Оила	Тур
Cestoda	Diphyllobothridae	<i>D. latum</i>
	Dipylididae	<i>D. caninum</i>
	Mesocestoididae	<i>M. lineatus</i>
	Taeniidae	<i>T. hydatigena</i> <i>T. pisiformis</i> <i>T. multiceps</i> <i>H. taeniaeformis</i> <i>E. granulosus</i>
Trematoda	Alariidae	<i>A. alata</i>
Acanthocephala	Oligacanthorinchidae	<i>M. catulinus</i>
Nematoda	Capillariidae	<i>C. plica</i>
	Trichocephalidae	<i>T. vulpis</i>
	Diectophymidae	<i>D. renale</i>
	Ancylostomatidae	<i>A. caninum</i> <i>U. stenocephala</i>
	Crenosomatidae	<i>C. vulpis</i>
	Ascarididae	<i>T. leonina</i> <i>T. canis</i>
	Spiruridae	<i>S. lupi</i> <i>S. arctica</i>
	Physolpteridae	<i>Ph. preputialis</i> <i>Ph. sibirica</i>
	Gongylonematidae	<i>G. pulchrum</i>
	Rictulariidae	<i>R. affinis</i> <i>R. cahirensis</i>
	Onchocercidae	<i>D. immitis</i> <i>D. repens</i>

Ит ва мушукларда аниқланган гельминтлар 70% этанолда сақланди. Гельминтларни морфологик жиҳатдан идентификация қилиш ишларида Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказидаги замонавий микроскоплардан фойдаланилди. *Toxocara canis*, *T. cati* ва *Toxascaris leonina* нематода турларини молекуляр-генетик ташхиллаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институтининг Умумий паразитология лабораториясида, нуклеотидлар кетма-кетлигини (секвинс) аниқлаш ишлари эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Вирусология илмий-тадқиқот институтида олиб борилди.

**Натижалар.** Текширилган 180 бош итлардан 171 боши (95.0%), 84 бош уй мушукларидан эса 53 боши (63.0%) турли гельминтлар билан зарарланганлиги аниқланди. Итларда аниқланган гельминтлар 4 та синф 17 та оилага мансуб 27 турдан иборат: цестодалар – 8 тур, трематодалар – 1 тур, акантосефалалар – 1 тур ва нематодалар – 17 турни ташкил этади (1-жадвал)

Уй мушуклари эса 2 та синф (Cestoda ва Nematoda) ва 13 та оилага мансуб 28 турдаги паразитлар билан зарарланганлиги аниқланди: цестодалар – 12 тур ва нематодалар – 16 тур (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Тошкент вилоятида тарқалган уй мушукларининг (*Felis catus*) гельминтофаунаси ва токсонимик ҳолати (n=53)**


Синф	Оила	Тур
Cestoda	Dipylidiidae	<i>D. caninum</i> <i>D. acanthotetra</i> <i>J. pasqualei</i> <i>J. rossicum</i>
		<i>T. hydatigena</i> <i>T. crassiceps</i> <i>T. laticollis</i> <i>T. macrocystis</i> <i>T. pisiformis</i> <i>H. taeniaeformis</i> <i>E. granulosus</i>
	Mesocestoididae	<i>M. lineatus</i>
	Nematoda	Trichocephalidae
Diectophymidae		<i>D. renale</i>
Capillariidae		<i>C. putorii</i>
Ancylostomatidae		<i>A. caninum</i> <i>U. stenocephala</i>
Ascarididae		<i>T. leonina</i> <i>T. cati</i> <i>T. canis</i>
Spiruridae		<i>S. rytipleurites</i>
Physolpteridae		<i>Ph. preputialis</i> <i>Ph. sibirica</i>
Gongylonematidae		<i>G. pulchrum</i>
Rictulariidae		<i>R. affinis</i> <i>R. cahirensis</i>
Onchocercidae		<i>D. immitis</i> <i>D. repens</i>

Олиб борилган тадқиқотларда итларнинг Ascarididae оиласи вакиллари бўлмиш *T. leonina* (95.0%; 171/180) ва *T. canis* (82.2%; 148/180) билан зарарланиш даражаси



юқори эканлиги аниқланди. Уй мушукларида эса мазкур оила вакилларида *T. leonina* (63.0%; 53/84) ва *T. cati* (58/3%; 49/84) билан зарарланиш даражаси нисбатан паст эканлиги қайд этилди.

Мазкур паразитларнинг зооноз хусусиятлари инобатга олинган ҳолда морфологик ва молекуляр-генетик кўрсаткичлари ўрганилди ва филогенетик муносабатлари изоҳланди (1-расм).



**1-расм. Bootstrap consensus дарахти 1000 та репликациядан олинган. Боғланган таксонлар бирлашган дарахтларнинг фоизи новдалар ёнида кўрсатилган. Ушбу таҳлил 7 нусха *T. leonina* нуклеотидлар кетма-кетлигини ва таиққи таққослаш мақсадида *Ancylostoma caninum* паразитининг кетма-кетлигини ўз ичига олади.**

Ит ва мушукларда аниқланган *Toxascaris leonina* паразит турининг митохондриял ДНК COX1 соҳаси

ORIGIN

```

1  agaatattgg tactttatat tttttgttt gtttgtggtc tggatgggt ggtactagtt
61  tgtcttttgg aattcgttt gagttggcta aacctggtct ttttttgggt aatggtcagt
121 tatataattc tgttattact gctcatgcta ttttgatgat tttttttatg gttatgccta
181 ctatgattgg tggtttttgg aattggatgt tacctttgat gttgggggct cctgatatga
241 gttttcctcg tttaaataat ttaagttttt ggttgttgcc taccgctatg tttttaattt
301 tggatgcttg ttttgttgat atgggttttg gaactagttg aactgtttat ctccttttga
361 gaactatagg tcatccttgg agaagggttg atttggctat ttttagtttg cattgtgctg
421 gtattagttc ttttttgggt gctattaatt ttatgactac tactaagaat cttcgtagga
481 gttctatttc tttggaacat atgaggttgt ttgtttggac tgtttttttg actgtttttt
541 tgtttggttt atctttacct gtcttagctg gggctattac tatgtttgtg actgatcgtg
601 atcttaatac ttcttttttt gatcctagga ctg
    
```

// **2-расм. Ит ва мушукларда аниқланган *Toxascaris leonina* нематода турининг митохондриял ДНК COX1 соҳасида ўрганилган нуклеотидлар кетма-кетлиги (633bp)**

нуклеотидлар кетма-кетлиги ўрганилди ва халқаро GenBank тизимида сақлаш учун PV082439 рақами билан жойлаштирилди (<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/nucleotide/PV082439>). Ушбу жараёнда 633 та нуклеотидлар кетма-кетлиги ўрганилди (2-расм).

**Хулоса.** Тошкент вилоятида тарқалган ит ва мушукларнинг гельминтлар фаунаси хилма хиллиги билан ажралиб туради. Аксарият паразитлар зооноз хусусиятга эга бўлиб одамлар саломатлиги учун ҳам жиддий хавф туғдиради. Шу боисдан ушбу ҳудудда тарқалган ит ва мушуклар паразитларига қарши профилактик тадбирларни олиб бориш ва алоҳида чора-тадбирлар белгилаш талаб этилади. Шунингдек, зооноз хусусиятга эга бўлган паразитларнинг молекуляр-генетик хусусиятларини ўрганган ҳолда профилактик тадбирларни ўтказиш юқори самарадорлик кўрсаткичига эга бўлиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Bourgoin, G., Callait-Cardinal, MP., Bouhsira, E. et al. Prevalence of major digestive and respiratory helminths in dogs and cats in France: results of a multicenter study. *Parasites Vectors* 15, 314 (2022).
2. Lee AC, Schantz PM, Kazacos KR, Montgomery SP, Bowman DD. Epidemiologic and zoonotic aspects of ascarid infections in dogs and cats. *Trends Parasitol.* 2010;4:155–61.
3. Safarov A., Khan A., Azimov D., Akramova F., Saparov K., & Ben Said M. (2023) Helminth Fauna in Carnivorous Mammals from Uzbekistan. *Zoodiversity*, 57(4).
4. Safarov, A., Mihalca, A. D., Park, G.-M., Akramova, F., Ionică, A. M., Abidinabiev, O., Deak, G. & Azimov, D. (2022) A Survey of Helminths of Dogs in Rural and Urban Areas of Uzbekistan and the Zoonotic Risk to Human Population. *Pathogens*, 11, 1085.
5. Taylor M, Coop RL, Wall R. *Veterinary parasitology*. 4th ed. USA: Wiley; 2016.
6. Магчанов Н.М. К гельминтофауне собак Ташкентской области // Труды Узб.н.-и. вет. ин-та. – Самарканд, 1967. – 18. – С. 163-173.
7. Сафаров А.А. Тошкент мегаполиси итлари (*Canis lupus familiaris*) паразитлари фаунаси ва экологияси.: Автореф. дисс. ... био. фан. фалсафа. докт. (PhD) – Ташкент, 2020. - 42 с.
8. Скрыбин К.И. Методы полны гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. - Москва: МГУ, 1928. – 45 с.

УДК. 619:116.98:578.823.1.

М.Қ. Бўтаев, в. ф. н., к. и. х., Х.С. Салимов, в. ф. д., проф.,  
И.Х. Салимов, в. ф. д., к. и. х., Ветеринария илмий-тадқиқот  
институту, Ш.А. Раҳматуллаев, Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириши қўмитаси

## ОТЛАРНИНГ АФРИКА ЎЛАТИ КАСАЛЛИГИ (ЭПИЗООТОЛОГИЯ, ДИАГНОСТИКА ВА ПРОФИЛАКТИКА)

### Резюме

Африканская чума лошадей (АЧЛ) — заразное, трансмиссивное вирусное заболевание (передается кровососущими насекомыми), характеризующееся лихорадкой, отеками, геморрагическими проявлениями, поражением дыхательных путей, сердечной дисфункцией и в случае, где болезнь проявляется впервые, высоким уровнем смертности (90–95%). Заболевание встречается в основном у непарнокопытных: лошадей, ослов, мулов и зебр. В Узбекистане и странах СНГ заболевание до сегодняшнего дня не выявлено. Однако, в последние годы, выявление АЧЛ в странах близких к нам, и с которыми существуют тесные взаимовыгодные торговые, экономические связи, настораживают экспертов и специалистов. В статье представлен обзор литературы по характеристике возбудителя Африканской чумы лошадей, эпизоотологии болезни, клинической и патологической диагностике, лабораторным исследованиям, лечению и мерам профилактики.

**Калит сўзлар:** вирус, трансмиссив, касаллик, диагностика, ишиш, от, Африка, ўлат, инфекция, ҳашаротлар, намгарчилик, ёгингарчилик.

Отларнинг Африка ўлати қўзғатувчиси – Orbivirus авлоди, Reoviridae оиласига мансуб вирус, РНК–сақловчи, икки занжирли орбивиринг, штамлари бир биридан аниқ фарқланувчи қўзғатувчи ҳисобланади. Вирионлар икосаэдр симметрияли турига киради, диаметри - 70-80 нм (A. Roison, D. Deeks, 1962). Касалланган отларда вирус деярли барча орган ва тўқималарда учрайди. Қўзғатувчи отлар, ҳачирлар организмда, денгиз чўчкачалари, оқ сичқонлар, товуқ эмбриони ҳамда бирламчи, ва қайта тикланадиган хўжайралар культурасида ривожланади ва кўпаяди. Ҳозирги кунга қадар ОАЎ вирусининг 10 та серотурлари, уларнинг барчасида умумий комплемент боғловчи антиген мавжуд. Ушбу маълумотни илк бор америкалик олим Тейлор (A. Thailer, 1934) хабар берган ва вируснинг антигенлик турлари кўплигини аниқлаган.

Касаллик бошланғич кўринишида содир бўлганида касалланиш даражаси 95%, ўлим даражаси 90-95% бўлиши мумкин. Демак, касаллик инфекциясига касалликлар тоифасига киради ва шунга мувофиқ барча тадбирлар, кураш чоралари олиб борилади (1, 3, 7, 8).

Отларнинг Африка ўлати касаллиги мавсумийликка эга, салқин нам фаслларда тарқалади. Жағ оралиғи, кўкрак, қорин паст қисмларида ишишлар, геморрагик ҳолатлар, нафас олиш аъзоларининг шикастланиш белгилари ҳамда юқори даражадаги ўлим билан яқунланади (1, 2, 5). Табиий шароитда энг мойил хайвонлар бу отлар, нисбатан паст сезувчан ҳачирлар, эшаклар ва зебралар ҳисобланади. Қулунлар ҳам юқори сезувчанликка эга, лекин ушбу касалликка қарши эмланган биялардан олинган қулунлар ҳаётининг биринчи 5-6 ойлик ёшигача нисбатан касалликка чидамли ҳисобланади. Паст сезувчан

### Abstract

African horse sickness (AHS) is an infectious, transmissible disease (infection is transmitted by blood-sucking insects), characterized by fever, edema, hemorrhagic manifestations, respiratory tract damage, cardiac dysfunction, and a high mortality rate (90%-95%) when first observed. The disease occurs naturally mainly in equidae: horses, donkeys, mules, and zebras. In recent years, the appearance of AHS in countries with which we have close contacts has attracted the attention of specialists and leaders. This article reviews the literature on the causative agent of the disease, its prevalence, clinical and pathological diagnosis, laboratory diagnosis, treatment, and control measures.

хайвонларда касаллик енгил шаклда кечеди. Бу ҳолда узоқ давом этмайдиган иситмадан сўнг юрак уриши тезлашиши, ҳансираш, иштаҳа пасайиши белгилари кузатилиб, хайвонлар кўпинча тузалади (6).

**Инфекция манбаи** асосан, ОАЎ билан касалланган хайвонлар ҳисобланади. намлик юқори бўлган, пастликларда учрайди, лекин ёгингарчилик кўп бўлганда касаллик баланд жойларда ҳам учраши мумкин. Илик, намгарчилик кўп иқлим ҳудудларда касаллик стационар харагерга эга бўлади. Бундан ташқари, кўпинча, оқшом, ташқарида қолган отларда касалланиши кузатилади, касалликнинг олдини олиш мақсадида отларни кундузи далада, оқшом отхоналарда сақлаш лозим (7,8, 9). Касалликнинг бошқа мойил хайвонларга бир биридан ўтиш йўллари охиригача аниқланмаган. Лекин ҳашаротлар орқали ўтиши исботланган. Бунда, ОАЎ касаллигининг асосий тарқатувчи Culicoides оиласига мансуб заҳқаш пашшалар эканлиги аниқланган, аммо вируснинг тарқалишида бошқа ҳашаротлар иштироки, инкор этилмаган. Вирус юқиши кўп ҳолларда кечаси яйловда боқилганда кузатилади. Яйловларда кундузи боқилганда эса касаллик тарқалмаган. Кечаси отлар отхоналарда сақланган пайтларда ҳам юқиш кузатилмайди. Ўлат асосан ёзда, айниқса, ёмғирли кунларда ҳарорат жуда юқори бўлганда, трансмиссив (қон сўрувчи ҳашаротлар орқали) тарқалади. Қон сўрувчи ҳашаротлар, хусусан Culicoides авлодига мансуб эшакқурт орқали вирус соғлом отга ўтади. Эшакқурт организмдан вирус ажратиб олинган. Экспериментда Culex pipiens, Anopheles stephensi ва Aedes aegypti пашшалари касал от қонини сўргандан кейин 5 ҳафта давомида вирусни соғлом отга ўтказиши

исботланган. Вируснинг соғайган отлар организмида 90 кун сақланиши аниқланган. Вирус резервуари табиатда аниқланмаган, аммо у қандайдир ёввойи ҳайвонлар организмида сақланса керак, деган фикр мавжуд. Ушбу касаллик эпизоотия бўлиб тарқалади, озгина вақт давомида катта ҳудудда (1 кунда 200 км) сакраб-сакраб тарқалиши кузатилади. Ўлим 95%.

Заҳкаш жойларда яшовчи пашшалар организмида вирусни сақлаш муддати, кейинги авлодига транс-овариал ўтиши, ҳашаротлар орқали ўтиш жараёнида патогенлиги ўзгарган ёки ўзгармаганлиги тўғрисидаги тадқиқот маълумотлари адабиётларда келтирилмаган (6, 7). Мойил ҳайвонлар кўпинча ёзда, ташқи ҳарорат 15<sup>o</sup>-25<sup>o</sup>C, айниқса ёғингарчилик кўп бўлган даврда зарарланади, қишда касалланиш ҳолатлари кузатилмаган. Бундан ташқари, вирус билан зарарланган ва соғлом отлар бир жойда (отхона) сақланганда ҳам касалланиш аниқланмаган (3, 6). Вирус от организмнинг мойил хужайраларида (ўпка) ривожланади, қон билан қон томирларига бой бўлган аъзо ва тўқималарда (талоқ, ўпка) жойлашади ва ривожланади. Кейин вирус эритроцитлар билан бутун организмга тарқалади. Вирус таъсирида қон томирларининг ўтказувчанлиги юқори бўлади, шунинг натижасида шишлар ва қон қуйилишлари кузатилади (5, 7). Ўлим ўпка шишиши ва юрак етишмовчилигидан содир бўлиши кузатилган (1, 5).

Отларнинг Африка ўлати илк бор 1919 йилда Жанубий Африка мамлақатида аниқланган. Вирус табиатли эканлигини биринчи бўлиб (1934 й) Р. Александер ҳамкасблари билан аниқлаган. 1958 йилга қадар касаллик фақат Африка мамлақатларида тарқалган. 1959 йилдан бошлаб Яқин ва Ўрта Шарқ мамлақатларида қайд этила бошлаган. Испанияда 1966 йил, 1987-1991 йилларда эса ОАЎ касаллиги ушбу мамлақатдан ташқари Португалия, Марокко, Ироқ, Алжир, Тунис, Сурия, Туркия, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонда рўйхатга олинган (1, 2, 3, 6). МХД мамлақатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳозирги кунга қадар отларнинг Африка ўлати касаллиги умуман қайд этилмаган (7, 8). Лекин ушбу касаллик бизга нисбатан яқин ҳудудларда қайд этилиши сергак бўлишимизни тақазо этмоқда (8, 9).

Инфекцион касалликларнинг тез тарқалиши, катта иктисодий зарар келтириши, белгиланган чекловлар (савдо-сотик, кириш-чиқиш, чорва маҳсулотларини зарарлантириши, хаттоки улар йўқотилишига сабабчи бўлиши, профилактик тадбирларни ўтказиш) жиддий моддий йўқотишларга ҳам олиб келиши мумкинлиги туфайли ОАЎ касаллигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Отларнинг Африка ўлати бизнинг ва қўшни мамлақатларда қайд этилмаган, лекин касалликнинг тарқалиш географиясига назар ташласак, 1919 йилда битта мамлақатда аниқлаган бўлса, 100 йил ўтиб, бутун Африка қитъасини қамраб олгани ва ҳозирги кунда Ўрта денгиз агрофидаги мамлақатларда (Туркия, Покистон, Сурия, Алжир, Ироқ, Афғонистон), Жанубий Европа мамлақатлари (Испания, Португалия) ҳудудида аниқлаганлиги ҳамда шу туфайли чегарадош давлатларга хавф туғдиргани

кўпчилик эксперт мутахассислар томонидан жиддий эътироф этилиши бу муаммога яқиндан ёндашиб, уни бизнинг регионимизга келишига йўл қўймастикка ундайди. Бундан ташқари, ОАЎ касаллигини асосий тарқатувчи ҳисобланган заҳкаш пашшалар биологиясига эътибор қаратсак, улар намгарчилик юқори бўлган ҳудудда, бир авлод ривожланиш даврида 200 кмгача масофани босиб ўтишга қодир эканлиги (9), муаммонинг янада кескинлашишига олиб келиши мумкинлиги, айниқса ҳозирги иклим шароит ўзгарувчанлигини эътиборга олсак, бизни огоҳликка чақиради.

Демак, отчилик соҳасида учрайдиган, лекин ҳозирда ўзимизда қайд этилмаган бўлсада, айрим ОАЎ каби инфекцияцион касалликлар бизнинг регионга кириб келмаслик чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этмоқда. Энди касалликнинг кечиши ҳақида изоҳ берадиган бўлсак, у ярим ўткир, ўткир ва чақмоқсимон, ўта ўткир шаклларда кечади.

Касаллик чақмоқсимон, ўта ўткир шаклда кечиши иситмали шакл деб ҳам юритилади, бунда бир неча соатдан уч кунгача бўлган даврда тана ҳарорати кескин (41<sup>o</sup>C) кўтарилиши ва ушбу даража 2-3 кун сақланиши билан характерланади. Шундан кейин бирдангина қалтираш, юрак ритми тезлашиши, организмнинг умумий ҳолсизланиши кузатилади. Таҳминан бир ҳафтадан кейин тана ҳарорати нормадан паст даражага тушади ва ҳайвон ўлими билан яқунланади (2, 3, 6). Бошқа олимларнинг кузатуви асосида ўта ўткир шакл бир неча соатдан 2-3 кунгача давом этиб, ўлим билан яқунланади (1, 4, 9).

Ўткир шаклда кечганда, кўпинча бу шаклни ўпка шаклли деб ҳам аталади, бунда доимо ҳансираш, нафас олиш аъзолари шикастланиши, йўтал, юрак уриши тезлашиши, бурундан характерли сарғиш рангли суюқлик оқиши билан тавсифланади. Одатда 10-15 кун ичида ОАЎ билан касалланган ҳайвон нобуд бўлади (1, 4, 5).

Касалликнинг ярим ўткир шаклда кечиши, юрак етишмовчилиги ёки шишли деб ҳам аталади, асосан бош қисмининг кучли шишиши билан ифодаланади. Африка мамлақатларида эса отлар боши кучли шишганлиги туфайли касалликни “катта бош” деб ҳам номланади. Бунда нафақат бошда, балки бўйин ва қориннинг пастки қисмида кучли шишлар пайдо бўлиши мумкин. Инкубация даври бу шаклда 30 кунгача чўзилиши мумкин. Касалликнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб шишлар пайдо бўлиши, кейин юрак уруши секинлашиши, шиллиқ пардалар шишиши, нафас олиш қийинлашиши кузатилади. Шу шакл билан касаланган отларда 55-70% ўлим кузатилади. Шунга ўхшаш клиник белгилар асосида отлар Африка ўлати касаллигига дастлабки диагноз қўйиш мумкин (1, 4, 5, 6). Ярим ўткир шакл, юқорида келтирганимиздек, отларнинг боши, бириктирувчи тўқималари, бўйин, айрим ҳолларда кўкрак ва қорин паст қисмида, оёқ олди юқори қисмларда кенг ёйилган шишлар билан ифодаланади (7). Айрим ҳолларда ўлган гавдаларнинг кўз қовоқлари, бошида, жағ бўшлиғида ҳам шишлар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, миокардда дистрофик ўзгаришлар, ички аъзоларда қон қуйилишлар аниқланади (1, 4).

Айрим олимлар кўшимча равишда касалликнинг тўртинчи аралаш шаклда кечишини ҳам кузатганлар. Бу шаклда юқорида келтирилган шаклларнинг белгилари бир вақтнинг ўзида бирга кечиши ва натижада ҳайвонда гипоксия белгилари билан нобуд бўлиши кузатилган (6).

**Диагностика.** Отларнинг Африка ўлатига асосан эпизоотик маълумотлар (фақат бир туёқли ҳайвонлар касалланиши, тўсатдан пайдо бўлиши, ёғингарчилик кўпайган даврда, вирус ташувчи ҳашаротлар кўриниши, юқори ўлим билан яқунланиши), касаллик белгилари намоён бўлиши (иситма, шишишлар, ҳансираш, йўтал, бурундан суюқлик оқиши, юрак фаолиятини бузилиши), патолого-анатомик ўзгаришлар умумлаштирилган ҳолда (тери ости клетчаткалари шишиши, қорин ва кўкрак бўшлиқларида суюқлик пайдо бўлиши, ўпка шишиши, турли ички аъзоларда қон қуйилишлар) дастлабки диагноз қўйилади. Яқуний ҳулоса лаборатория текширувлари асосида қўйилади (7, 8, 9).

Патанатомик диагностик белгилари касалликнинг шаклига ҳам монанд равишда боғлиқлиги аниқланган: чақмоксимон, ўта ўткир шаклла патанатомик ўзгаришлар ҳосил бўлиши деярли кузатилмайди, чунки касаллик 3-7 кун ичида ҳайвон ўлими билан яқунланади, фақат юрак кўйлакчасида, чарви қатламида, ички шиллик пардаларда қон қуйилишлар кузатилади (2,3); ўткир ёки ўпка шакл кечишида ўпка шишиши, плеврал бўшлиғида сероз суюқ тўпланиши, юрак пойдеворининг бириктирувчи тўқималарида инфилтрация кузатилиши билан ифодаланади. Шикастланган ўпка кесимида сарғиш кўпиксимон суюқлик пайдо бўлиш белгилари намоён бўлади. Бронхиал ва медиостенал лимфа тугунлар катталашади ва шишиш кучайиши кузатилганлиги билан ажралиб туради (2, 3, 6); касаллик ярим ўткир шаклида патологик ўзгаришлар бош қисми, бўйин, қорин, елка қисмларда кенг камровли шишлар, айрим ҳолларда ўлган отлар қоғоғи, жағ ораллиғи, лаб атрофи ҳам шишиши кузатилади. Тери ости клетчатка, лимфа тугунларида гиперемия кузатилади. Миокардда дистрофик ўзгаришлар, ички паренхиматоз аъзоларда (ўпка, талок, лимфа тугунлар) қон қуюлишлари кузатилади (1, 4, 5, 6).

**Дифференциал диагностика** отларнинг Африка ўлати касаллиги қўйдирги, пироплазмоз, вирусли артериит, отларнинг инфекцион анемияси касалликлардан фарқланиши лозим. Қўйдирги касаллиги барча тур ҳайвонларни зарарлайди, у ўткирроқ шакл билан кечади, тери ва ички аъзолар юзасида карбункула бўлиши мумкин, талокнинг кескин катталашини, гавда ва қонни қотмаслиги билан фарқланади. Диагнозни тасдиқлаш учун бактериологик текширувлар ўтказилиши лозим. Пироплазмоз ва нутталиоз клиник белгилар, талокнинг катталашуви асосида аниқланади ҳамда қон суртмаларининг микроскопиясида гемоспоридиялар топилиши билан фарқланади. Вирусли артериитни серологик ва вирусологик усуллар ёрдамида ажратиш мумкин. Отларнинг инфекцион анемияси, гавдада сепсис белгилари, талок 2-3 баробар катталашини, жигар, лимфа тугунлари катталашини, шиллик пардалар сарғайиши билан фарқланади.

**Лаборатория диагностикасини** серология усуллари ҳамда вирусни идентификациялаш йўллари орқали амалга ошириш мумкин. Серология усулларида КБР, ИФА, иммуноблотинг ва серотипизация учун нейтралзация реакциясидан (НР) фойдаланиш мумкин (5, 6). Вирусология усулларида вирусни қондан, ички органларидан (талок, ўпка, лимфа тугунлари) ажратиб, турли тўқималарда (ВНК-21, MS, Vero, RC) ўстириш орқали реизоляция қилиб идентификациялаш имконини беради. Бундан ташқари, идентификациялаш учун ОАЎ вирусини тезкор аниқлаш мақсадида бир нечта усул яратилган бўлиб, бунга ПЗРнинг қаттиқ фазли иммунофермент реакцияси (ИФА) ҳам қиради. Шунингдек ОФЎ РНКсини аниқлаш учун полимераза занжирли (ПЗР) тесқари транскрипция орқали вирусни идентификациялаш усули яратилган (2, 9).

**Даволаш** усуллари ҳозирги кунга қадар яратилмаган. Касалликни симптоматик усуллар ёрдамида, юрак этишмовчилигини ва ўпка фаолиятини яхшилашга қаратилган усуларда даволаш ўтказилади.

